Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 102 (4500).
7 МАЙ 1981 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ИЛҲОМБАХШ МЕҲНАТИМИЗ — БЕШ ЙИЛЛИККА

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИ

Совет матбуоти куни арафасида Москвадан Тошкентга хушхабар келди. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг биринчи квартал якунларига кўра, СССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети билан касаба союз Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари Тошкентдаги «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасига, Марғилон шаҳар босмахонасига, Қўқон шаҳар китоб савдоси бўлимига берилди. Мамлакатдаги турдош коллективларнинг меҳнат мусобақасида «Ўзбекистон» нашриёти иккинчи ўринни эгаллади ва тегишли пул мукофотига сазовор бўлди.

(ЎзТАГ).

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида машаққатли қўл меҳнати талаб қилувчи кўпгина ишлаб чиқариш жараёнлари янги техника ва технология билан жиҳозланмоқда. Ушбу суратда тўқув цехининг юқори даражада механизация лашган участкаларидан бири акс этган. Техника шарофати туфайли бу ерда аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Замонавий тўқув машиналарини илғор тўқувчи Р. Зокирова (олдинги планда) бошқармоқда.

2 МИЛЛИОНТА ПОЙАФЗАЛ

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ўн биринчи бесш йиллик топшириқларини муддатидан илгари муваффақиятли тўла ва ошириб бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига жавобан Тошкент пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи мусобақа байроғини янада баланд кўтармоқда.

БУГУН

илғор ишчилар Тўлаган Мусаев, Нина Денисова, Валентина Юнусовалар ўз меҳнат календарларида 1981 йилнинг иккинчи ярим йиллик ҳисобини очдилар.

Бирлашма меҳнат ва иш ҳақи бўлимига кўплаб ишчилардан иккинчи квартал топшириғини бажарганликлари тўғрисида галаба рапортлари келиб турибди. Кунлик нормаларини 150—180 процент адо этаётган 194 нафар ишчи ўн биринчи бесш йиллик топшириғини 2,5 йилда, 240 нафар ишчи эса 3 йилда бажариш мажбуриятини олди. Илғорларнинг фидокорона меҳнати туфайли бирлашма коллективи йил бошидан буён шу кунгача 2 миллионтага яқин пойафзал тайёрлаб берди. Бу шу даврга белгиланганидан анча кўп, демакдир.

К. РИХСИЕВ.

БУГУН — РАДИО КУНИ

ҚУДРАТЛИ ВА ЖАНГОВАР ВОСИТА

Бу йилги радио куни совет кишилари КПСС XXVI съезди қарорларидан илҳомланиб, унинг йўл-йўриқларини ҳаётга татбиқ этаётган ажойиб вазиятда нишонланмоқда. Бу тарихий съезднинг материаллари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Леонид Ильич Брежневнинг тарихий доклади мамлакатимиз барча телевизион ва радиопрограммаларининг йўналиши ва характерини белгилаб берди. Ўзбекистон ССР телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг раиси Убайдулла Еқубович Иброҳимов мухбиримиз билан бўлган суҳбатда совет кишилари севиб қолган қудратли, таъсирчан пропаганда воситасининг вазифалари ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

— Телевидение ва радио ҳозирги даврда оммани ғоявий-сиёсий тарбиялашнинг қудратли воситасидир. Ўртоқ Л. И. Брежнев ўзининг «КПСС. Идеология ишларининг актуал масалалари» китобида уни қуйидагича баҳолаган эди: «...миллионлаб кишиларнинг ақли-идроки ва қалбига, халқаро сиёсий иқлим ва жамоат фикрининг шаклланишига улкан таъсир кўрсатмоқда». Чиндан ҳам телевидение ва радио кенг оммаларнинг фикр-туйғуларини ёрқин ифодалай оладиган чиқакам минбарга айланиб қолди.

Улуғ рус олими А. С. Попов ихтиро этган радио ривожланишининг катта йўлини босиб ўтиб, инсониятнинг моддий ва маданий турмушига сезиларли таъсир кўрсатмоқда, илмий-техника тараққиётининг қудратли фактори бўлиб қолди.

Башариятнинг улуғ доҳийси В. И. Ленин радионинг улуғвор келажагини олдиндан башорат қила билган ва унга раҳнамолик қилган эди. Доҳий уни замонавий алоқа воситасигина эмас, сиёсий агитация ва пропаганданинг қудратли қуроли деб билди ва уни «Қоғозсиз ва масофасиз газета» деб баҳолади.

Владимир Ильичнинг радиони ривожлантириш тўғрисидаги кўрсатмалари ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилмоқда. Мамлакатимизда телевидение ва радио эшиттиришларнинг ягона қудратли системаси вужудга келган ва ишлаб турибди. Унинг моддий-техника базаси доимо ривожланмоқда ва такомиллашмоқда, мустаҳкамланмоқда ва кенгаймоқда.

Совет Иттифоқи бугунги кунда радио станциялар қуввати бўйича жаҳонда етакчи ўринни эгаллайди. Бутуниттифоқ радиосининг эшиттиришларини мамлакатимизнинг бутун территориясида 70 миллион атрофида радиоприёмник ва 74 миллиондан ортиқ радиотрансляция точкалари қабул қилмоқда. Бутуниттифоқ радиоси марказий ички радиоэшиттиришларни и н г ўртача суткалик ҳажми 158 соатдан иборат.

«Орбита» космик системаларини ҳаракатга келтириш, «Радуга» ва «Экран» стационар алоқа йўлдошларининг учирилиши туфайли Марказий телевидениенинг кўрсатувлари энг узоқ манзиллар — Сибирь, Узоқ Шарқ, Шимолнинг олис районларига етиб борадиган бўлди. Аҳолининг 80 процентдан зиёди телевизион кўрсатувларни кўришга муяссар бўлмоқда. Мамлакатимиз телевидение студияларининг суткалик кўрсатуви 2680 соатдан ошади.

Ўзбекистонда ҳам телевидение ва радио муносиб ўрин эгаллайди. Республика радио эшитиришнинг ўртача суткалик ҳажми 1980 йилда суткасига 33 соатгача, шу жумладан, стереофоник эшиттиришлар олти соатгача кўпайди. 1980 йилда телевизион кўрсатувлар ҳажми 32 соатгача кўпайди. Бу йил эса у 37 соатга, шу жумладан, рангли тасвирла кўрсатувлар ҳажми суткасига 10 соатгача кўпайди.

Партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги, алоқачиларимизн и н г маҳорати туфайли шундай замонавий кабель ва радиорелели линиялар қурилганки, уларнинг воситаси билан Москвадан, Тошкентдан, барча қардош республикаларнинг пойтахтларидан берилаётган телевидение ва радио программалари республикамиз бўйлаб таралмоқда.

Республика телевиденеси такомиллашган янги замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Мамлакатимизда ва чет элларда ишлаб чиқарилган замонавий техника воситалари, кўчма телевизион станциялар, овоз ёзиб оладиган аппаратлар ва энергетика ускуналари, янги-янги видеомагнитофонлар, синхрон кинокамералар ва бошқа воситалар шулар жумласидандир. Телевидение ва радио эшиттиришлар моддий-техника базасининг ўсиши ва ривожланиши йил сайин республика аҳолиси телевизион ва радио эшиттиришлар қамровини кенгайтирмоқда. Шундай қилиб ҳозирги пайтда Марказий телевидениенинг биринчи программаси аҳолининг 79,8 процентини, республиканинг биринчи программаси 78,9 процентини, республиканинг иккинчи программаси 26,9 процентини ва марказий телевидениенинг тўртинчи программаси 11,4 процентини қамраб олган.

Республика аҳолисини радио эшиттиришлари билан қамраб олиш ҳам оғишмай ўсиб бормоқда. Биргина республиканинг биринчи программаси ўзун тўлқинли диапазонда республика аҳолисининг 87 процентини, қисқа тўлқинда эса 78 ва ультра қисқа тўлқинда эса 79 процентини қамраб олмоқда. Бундан ташқари бир неча диапазонли республика иккинчи программаси, учинчи программаси, «Машъал» программаси ва Бутуниттифоқ «Орбита-4» программаси ишлаб турибди.

Кейинги йилларда мустақил равишда фильм ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. «Ўзбектелефильм» студиясининг кинолента-лари бир неча марта Бутуниттифоқ фестивалларида совринли ўринларни эгаллади, кўпгина фильмлар Марказий телевидение бўйлаб кўрсатиш учун қабул қилинмоқда.

Телевидение ва радиоэшиттиришлар программалари кенг оммалашиб, аҳоли ўртасида обрў қозонаётганлигини мактублардан ҳам билиш мумкин. Биргина 1980 йилда телевидение студияси 200 мингдан зиёд хат олди.

Радио куни байрамида бир қатор рубрикалар ва циклларнинг номларини эслатиб ўтиш жоиздир. «Миллионлар ленинча университети», «КПСС XXVI съезди қарорлари— ҳаётга, «Ленин йўлидан» ва «Янги ғалабалар йўлидан» кўрсатувлари ва эшиттиришлар республика аҳолисига мазкур бўлмоқда.

Телевидение ва радионинг барча ижодий бўлимларида тарихий съезд қарорларини пропаганда қилиш юзасидан жуда кўп тадбирлар ишлаб чиқилган. Улар экономика, сиёсат, социалистик турмуш тарзи, кишиларни чуқур ғоявий барқарорлик ва сиёсий онглилик, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш, юксак ахлоқ лик руҳида тарбиялаш каби кўпгина масалаларни қамраб олади.

Ижодий ташкилотларнинг планлари янги-янги рубрикалар ва программаларни ташкил этиш, социалистик турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган тематик доирани кенгайтиришга қаратилган.

Олдимизда катта улуғвор вазифалар турибди. Жонажон Коммунистик партиямиз ва унинг XXVI съезди белгилаб берган йўл-йўриқларини, улуғвор ўн биринчи беш йиллик планларини амалга оширишга, республика телевиденеси ва радиоси ходимлари ўзларининг бутун куч ва ғайратларини сафарбар этадилар.

Суҳбатни
А. ПЎЛАТОВ
ёзиб олди.

СУРАТДА: Узбекистон радиосининг дикторлари — Узбекистон ССР халқ артисти Қодир Маҳсумов ва Ларисса Зокирова эшиттиришни олиб боришмоқда; радио ўйин овоз ёзиш студия синнинг илғор оператори Умри Сандазова магнитофон лентасидаги қўшиқнинг сифатини назоратдан ўтказяпти.

М. Нуриддинов фотолари.

ШАҲАР ХАЛҚ НАЗОРАТЧИЛАРИ КЕНГАШИ

Халқ назоратчилари активининг шаҳар кенгаши бўлиб ўтди. Унда халқ контроли шаҳар ва район комитетларининг 1980 йилда қилган ишлари якуни ҳамда КПСС Марказий Комитетининг 1981 йил 4 апрелда эълон қилинган «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида меҳнаткашларнинг хатлари ва таклифлари билан ишлашни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорилан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди. Кенгашда шаҳар халқ контроли комитетининг раиси **Ф. Н. Назруллаев** доклад қилди.

Халқ контроли комитетлари ўз фаолиятида меҳнаткашлар хатларига, гражданлардан тушаётган таклифлар, аризалар ва шикоятларни кўриб чиқиш тартибини такомиллаштиришга катта эътибор берилмоқда. Булар ишни янада яхши ташкил этишда, камчиликларни яққол кўриш ва уларни бартараф этишда ёрдам беради. Ўтган йили шаҳар ва район комитетларига бир мингдан ортиқ хат, шикоят ва аризалар тушди. Уларнинг кўпчилиги объектив, келтирилган фактлар тўла ёки қисман тасдиқланди. Бошқа ташкилотларга юборилган хатлар назорат остига олинди. Хатлар билан ишлашни янада яхшилаш учун катта ташкилотчилик ишлари амалга оширилди. Кенгаш қатнашчилари ана шу ишлар якунини муҳокама этдилар, унинг ютуқ ва камчиликларини таъкидладилар.

Халқ назоратчилари меҳнаткашлар хатлари билан ишлашни бундан буён янада такомиллаштиришнинг йўл-йўриқларини белгиладилар. Қабул вақтида гражданлардан тушган хатлар, таклифлар ва оғзаки аризаларни текширишни яхшилашга қаратилган аниқ тадбирлар қабул қилинди. Кенгашда Чилонзор ва Киров район халқ контроли комитетларида хатлар билан ишлаш тажрибалари қайд этилди.

Кенгаш қатнашчилари шаҳар партия комитетини, шаҳар ижроия комитетини шаҳардаги комитетлар ва группалар, ҳамма халқ назоратчилари хатлар билан ишлаш самарадорлигини янада оширишга эришиш, гражданлардан тушган сигналлар, шикоят ва аризаларнинг ҳаммасига тезкорлик, ҳушёрлик билан қараш юзасидан партия томонидан ўз олдиларига қўйилган вазифаларни бажариш йўлида куч-ғайратларини аямай меҳнат қиладилар, деб ишонтирдилар.

Кенгаш ишида Ўзбекистон ССР халқ контроли комитети меҳнаткашлар шикоятлари ва таклифлари бюросининг мудири **А. А. Аҳадов** иштирок этди.

ТОШКЕНТ — ЖАҲОНГА

БИРИНЧИ ЭКСПОРТ

БУГУН

Тошкент чинни заводи коллективи ўн биринчи беш йиллигининг биринчи йили дастлабки экспортини бошлади. Чинисозлар 120 минг сўмлик чинни буюмлари туркумини Мўғулистон Халқ Республикасига жўнатдилар.

Тошкент чиннисига бўлган талаб йилдан-йилга ортиб боряпти. Яқинда Ливандан ҳам буюртма келди. Йилнинг учинчи, тўртинчи кварталларида 35,5 минг сўмлик чинни буюмлари — чойнак, коса, ликопча ва бошқа буюмлар ана шу мамлакатга экспорт қилинади.

Коллектив йилнинг тўрт ойлик планини ҳам муваффақиятли уддалади. Бу борадаги кўрсаткич 106 процентни ташкил этди. Демак, пландан ташқари савдо тармоқларига бир неча ўн минг сўмлик чинни буюмлари чиқарилди.

РЕСПУБЛИКАЛАРАРО ЯРМАРКА

Шу ойнинг охирларида Тошкент шаҳрида Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг улгуржи китоб ярмаркаси ўтказилади. Шу муносабат билан Ўзбекистон китоб савдоси бирлашмасининг бошлиғи Сотнболди Пўлдошев мухбиримизга қуйидагиларни маълум қилди:

— Пойтахт отчопари яқинида янгидан бунёд этилган катта китоб базасида ташкил этиладиган бу улгуржи ярмаркани ўтказишга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Бу ярмаркага республика китоб савдоси бошқармаси, «Ўзбекбирлашув», «Военная книга» «Академкнига», «Союзпечать», «Транспорт» китоб савдоси идоралари таклиф этилди.

Бу ярмаркани ўтказишдан мақсад турли областларда реализация қилинмай қолган нашрларни бошқа областларга етказиш, китобхонларнинг турли нашрларга бўлган талабини қондиришдир.

1978 йилда Самарқанд шаҳрида бўлган аввалги ярмаркада 2,5 миллион сўмлик адабиётларни реализация қилиш юзасидан шартномалар тузилган эди. Навбатдаги бу рақам янада салмоқли бўлиши кутилади.

Бундан ташқари шу йилнинг кузида Батанимиз пойтахтида халқаро китоб ярмаркаси ўтказилади. Биз китоб савдоси ходимлари бу тадбирга ҳам ҳозирлик кўраётирмиз. Москвага 500 номда китоблар олиб борилади.

САМБО КУРАШИ БЎЙИЧА XIII БУТУНИТТИФОҚ ТУРНИРИ «ТОШКЕНТ»

ТУРНИР БОШЛАНДИ

Кеча «Меҳнат резервлари» спорт комплексининг залида «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг совринни учун совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган Буюк Ғалабасига бағишланган самбо кураши бўйича анъанавий XIII Бутуниттифоқ турнирининг тантанали очилиш маросими бўлди.

Тантанали маросим мусобақа қатнашчилари ва судьяларнинг паради билан бошланди. Турнирни ўтказиш бўйича ташкилий комитет раиси Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Ҳ. Е. Еқубжонова мамлакатимизнинг турли бурчакларидан турнирга ташриф буюрган спортчиларга қарата табрик сўзи билан мурожаат қилди. Улуғ Ватан уруши ва га баҳор спорт ветерани У. Т. Тоировга мусобақа байроғини кўтариш ҳуқуқи берилади. Тошкентлик ўқувчилар ташкилий комитет аъзоларига, спортчиларга, судьялар ва тренерларга гулдасталар тақдим этадилар.

Шундан сўнг беш вазн тоифасидаги самбочилар гиламга чиқишди. Бугун турнирнинг дастлабки ғолиблари ва совриндорлари аниқланади.

АНДИЖОНДАН ХАТ

ИЖОДИЙ УЧРАШУВЛАР

Фарғона водийси бўйлаб ижодий сафарда юрган Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, Муҳиддин Қориёқубов номидаги ўзбек Давлат филармонияси қошидаги вокаль-хореографик «Лазги» ансамбли жойларда катта программада концертлар бермоқда. Айни вақтда унинг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери, Ўзбекистон ССР халқ артисти Гавҳар Раҳимова туғилган кунининг 70, ижодий фаолиятининг 50 йиллиги муносабати билан учрашувлар ўтказилмоқда.

Ана шундай учрашувлардан бири Охунбобоев номидаги Андижон область ўзбек Давлат музикали драма ва комедия театрида бўлиб ўтди. Учрашувни область касаба союзлари Советининг раиси Т. Каримова очиб, йиғилганларни юбилярнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти билан қисқача таништирди. Шундан сўнг халқ депутатлари Андижон шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси З. Машрапов таниқли санъаткорни область ва шаҳар партия ҳамда ижроия комитетлари номидан қизғин табриклаб, унга Фахрий ёрлиқ топширди. Область комсомол мукофоти лауреати, театрнинг ёш солистқаси Т. Рўзиева, область Давлат филармониясининг солисти Ш. Жўраев, болалар «Андижон полкаси» ансамблининг ижрочилари ва бошқалар эса юбилярни ажойиб рақс ва қўшиқлар билан табриклаб, эсдалик совғалари бердилар.

Самимий қутловларга жавобан сўзлаган Гавҳар Раҳимова босиб ўтган ижодий йўли ҳақида тўхталиб, оталарча доимий ғамхўрликлари учун партия ва ҳукуматга, қалб сўзлари учун санъат мухлисларига чуқур миннатдорчилик билдирди.

Учрашув сўнггида «Лазги» ансамблининг ижодий коллективи учрашув қатнашчиларини ранг-баранг рақс ва қўшиқлар билан хушнуд этди.

Бундай учрашувлар юбиляр туғилиб ўсган Маргилон ва Қўқон шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди.

Н. ИНОҚОВ.

ТОҒЛАР УЗРА ҚЎШИҚ ЯНГРАДИ

Тошкент областининг энг хушманзара дам олиш зоналаридан бирида ўтказилган ҳаваскорлик қўшиқлари фестивали «Чимён-81» деб аталди. Анаъанавий бўлиб қолган ана шу санъат байрами худди шу ерда, тоғда ўтказилиши бежиз эмас. Ижро этилган кўпгина қўшиқлар походларда ва ёзгача келган ва янги маршрутларга чорловчи туристик қўшиқлар жанрига таллуқлидир. Бу йилги фестивалда Москва, Ленинград, Новосибирск, Тошкент ва мамлакатнинг бошқа кўпгина шаҳарларидан келган авторлар ва ижрочилар иштирок этдилар.

Конкурс лауреатлари орасида ленинградликлар О. Королева ва А. Пименов, тошкентлик В. Лам, олмаоталик А. Зарифьян, харьковлик В. Васильевлар бор. Фестиваль иштирокчиларининг ўзлари яратган қўшиқлар, машҳур совет шоирларининг шеърларига басталанган куй ва қўшиқлар ижро этилди.

(ЎзТАГ).

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ 5 май куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев расмий визит билан Совет Иттифоқига келган БМТ Бош секретари Курт Вальдхаймни Кремлда қабул қилди. Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико иштирок этди.

Суҳбат чоғида БМТнинг фаолиятидаги бош йўналишлар — халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаб туриш соҳасида унинг куч-ғайратларини активлаштириш жуда зарур эканлиги таъкидланди.

◆ БМТ Бош секретари Курт Вальдхайм 6 май куни Киевга келди.

◆ Руминия Коммунистик партиясининг 60 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитетига йўлланган табрик телеграммаси эълон қилинган.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

ЯХШИ НИЯТ ИФОДАСИ

Ҳиндихитой мамлакатлари —Вьетнам, Кампучия, Лаос актив ва ижобий ташқи сиёсат ўтказиб келмоқда. Бу сиёсат улар билан қўшни бўлган барча мамлакатларнинг мустақиллиги, суверенитети, территориал бутунлиги ва хавфсизлигини ҳаётга ва қатиқ ҳурмат қилишдан иборат. Шу региондаги ҳамма мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни нормаллаштиришга қаратилган регионал маслаҳатлар ўтказиб туриш тўғрисида Индонезия билан Малайзия қўшилмаган мамлакатларнинг Деҳлидаги конференцияда ўртага қўйган таклифларнинг қабул қилиниши мазкур мамлакатларнинг Жануби-Шарқий Осиёдаги барча давлатлар учун тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган муддаоларининг янги ифодаси бўлди. Шу мақсадда Лаос ташқи ишлар министри Пхун Сипасет Индонезия билан Малайзияга жўнаб кетди.

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ўртасида ана шундай амалий мулоқат олиб бориш учун ҳозирдаёқ конструктив негиз мавжуд. Бу нарса ВСР, ЛХДР, КХР ташқи ишлар министрларининг шу йил январь ойида Хошимин шаҳрида қабул қилинган «Жануби-Шарқий Осиёда тинчлик, барқарорлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида»ги декларациясида баён қилинган. Уч мамлакат шу ҳужжатда ХХР билан тинч-тотув яшаш тўғрисида икки томонлама шартномалар имзолашга, шунингдек АСЕАН аъзолари —Таиланд, Малайзия, Сингапур, Индонезия ва Филиппин давлатлари билан тинчлик ҳамда барқарорлик тўғрисидаги шартномани муҳокама қилиш ва имзолашга тайёр эканликларини изҳор этдилар.

Бироқ Пекиндагилар бу таклифларни душманчилик билан кутиб олдилар. Хитой ҳокимлари Ҳиндихитой давлатларига қарши пропаганда урушини кучайтирибгина қолмай, бу мамлакатларга қарши қўпорувчилик ишларини ҳам активлаштириб юбордилар. Бунинг учун улар Вьетнам чегарасида доимо қилинаётган қуролли ирғоғарликлардан, Кампучиядаги полпотчи шайкаларнинг қолдиқларидан, Хитойдан Лаосга юборилаётган сепаратчи отрядлардан фойдаланмоқдалар. Хитой ҳокимлари Ҳиндихитой мамлакатларига қарши ўзига хос антисоциалистик фронт тузишга интилмоқдалар. Улар бу фронтга АСЕАН аъзоси бўлган давлатларни тортишга уриниб, уларни бўлмаган «Вьетнам хавфи» билан доимо чўчитмоқдалар ва шу тарика Жануби-Шарқий Осиёни муҳолифлик ва кескинлик майдонига айлантиришдан иборат ғаразли режаларини ниқоблямоқдалар.

Пекинлик гегемончилар ўз кирдикорларини тўхтатмаётганликлари г а қарамай, Жануби-Шарқий Осиё районида яхши қўшничилик ва ҳамкорликка бўлган интилиш ўзига йўл очиб олмоқда. Жануби-Шарқий Осиёдаги баъзи мамлакатлар Хитой милитаристларининг экспансиячилик ташқи сиёсат йўли ҳалокатли эканлигини тушуна бошладилар. Яқинда Малайзия ташқи ишлар министри айтганидек, Пекин иккиюзламачилик ва риёкорлик сиёсатини ўтказмоқда. Қўшма Штатлар ва ғарбдаги бошқа мамлакатлар Хитойга эрк бериб қўйганликлари эса Малайзияда ва Жануби-Шарқий Осиёда бошқа мамлакатларда жиддий ташвиш туғдирмоқда.

Ҳиндихитой ярим оролида вужудга келган ўзгаришларнинг мустаҳкамлигини эътироф қилиш ва Вьетнам, Лаос ҳамда Кампучиянинг қўшни мамлакатлар билан муносабатларни нормаллаштириш тўғрисидаги таклифларига амалий муносабатда бўлиш Жануби-Шарқий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни карор топтириш учун реал негиз бўлиб хизмат қилади, деб умид қилиш мумкин.

М. ЯКОВЛЕВ,
ТАСС шарҳловчиси.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — АМАЛДА

• Беш йиллик вахтасида

ЯНГИ МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАБ

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг съездга ишлаш программасини белгилаб олаётган Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли Уй-жой қурилиш трести коллективи ҳам юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқда.

Янги беш йилликда уй-жой қурилиши ҳажмини икки баравар оширишга аҳд қилган трест бунёдкорлари йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида уй-жойларни ишга тушириш планини ошириб бажардилар. Шаҳримизнинг Юнусобод ва Тансиқбоев массивларида янги уй-жой комплексларини фойдаланишга топширилди. Трест базасидаги уйсозлик заводида тўққиз қаватли уйларнинг панелкорлик комплектларини ишлаб чиқариш ва қуриш ўзлаштириляпти.

Бу меҳнат муваффақиятларини қўлга киритишда 40-қурилиш-монтаж бошқармасининг Баҳодир Шукуров, монтаж бошқармасининг В. А. Демидов ва Р. Абдурахмонов, Н. М. Плахих ва Я. Алимуҳаммедов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадалари коллективлари н и н г ҳиссаси катта. «Ташмосстрой» бошқармасидан Г. Ф. Вахмяной, Я. Мучатаров, «Ташросстрой» бошқармасидан Н. Сипогина ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадалар ҳам шу кунларда яхши кўрсаткичларга эришмоқда.

Трест коллективи ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили планини муддатидан илгари бажариб, планга қўшимча 200 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш, уй-жойларнинг 80 процентини гарантия паспорти билан «яхши» баҳоларга топшириш, умумий қурилиш-монтаж ишлари планининг 83 процентини пудратчи бригадалар ҳисобига бажаришга аҳд қилишган. Трестга қарашли 3-йирик панел заводи йиллик планга қўшимча 50 минг сўмлик маҳсулот реализация қилади. Трест бошқармалари 37 рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этишади. Бундан 160 минг сўм иқтисодий манфаат кўрилади. Бу йил 580 минг сўмлик янги техника ишлаб чиқаришга жорий этилади. Ўн биринчи беш йилликда ҳам икки беш йиллик қурилиш-монтаж ишлари планини бажариш ташаббусини яна Б. Шукуров бошлиқ бригада бошлаб берди.

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига бошланган умумий халқ мусобақасига қўшилиб, зарбдорларча меҳнат қилган бунёдкорлар партиямизнинг олий анжуманини ёруғ юз билан кутиб олишди.

Съездлар йили тўрт ойлик плани эса 112,0 процентга адо этилди. Меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғи 106,7 процент қилиб бажарилди. Трестга қарашли 3-йирик панел заводининг меҳнаткашлари топшириқни 111,6 процент, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш топшириғини эса 114,5 процент бажардилар. Меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғи 109,3 процент адо этилди. Бу меҳнат муваффақиятларига заводни реконструкция қилиш туфайли эришилди.

Трестнинг энди иш бошлаётган йирик панел заводи дастлабки ойларда маҳсулот реализация қилиш топшириғини 108,6 процент адо этишди.

Бу кўрсаткичлар янги марраларни кўзлаб меҳнат қилаётган Уй-жой қурилиш трести коллективининг ғайрат-шижоат ва ташаббускорлиги КПСС XXVI съезди қарорларини муваффақиятли бажаришга қаратилганлигини кўрсатиб турибди.

Т. НАЖМИН,
«Тошкент оқшоми»нинг жамоатчи мухбири.

СЪЕЗДДА ШУ ҲАҚДА ГАПИРИЛГАН ЭДИ

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИГА — МУҲИМ ЭЪТИБОР

ШАҲРИМИЗ ОСМОНИ МУСАФФО БЎЛСИН

«Зарарли моддаларнинг атроф-муҳитга чиқариб ташланишини камайтириш ва чиқарилаётган газларни зарарли аралашмалардан тозалашни яхшилаш мақсадида технология жараёнлари ва транспорт воситалари такомиллаштирилсин».

(«СССРнинг иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»дан).

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлигини ва иш шароитини яхшилаш, уларнинг саломатлигини сақлашга алоҳида гамхўрлик қилиб келмоқда. Атроф-муҳитни ва табиатни муҳофаза қилиш, унинг бойликларини кишиларга сарфлаш юзасидан қабул қилинган қатор кўрсатма ва қарорлар ҳам ана шу мақсадга қаратилган.

КПСС XXVI съезди партия ва совет ташкилотлари, қолаверса барча меҳнаткашлар олдига табиатни қўриқлаш ҳамда атроф-муҳитни мусаффо сақлаш юзасидан муҳим вазифаларни қўйди. Бу вазифаларни бажариш учун муҳим тадбирлар белгиланмоқда. Ўнинчи беш йилликда шаҳримизда комплекс планлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Ана шунга кўра тозалаш шахобчаларини қуриш, корхона ва муассасаларни йирик каналнзация тармоқларига улаш, иссиқлик корхоналарини газ ёқилғисига ўтказиш, унча фойда бермайдиган кичик қозонхоналарга барҳам бериш, чангни ушлаб қоладиган ва заҳарли газдан тозалайдиган қурилмаларнинг янгиларини бунёд этиш ва мавжудларини реконструкциялаш каби тадбирлар амалга оширилди. Чиқиндиларни қайта ишлайдиган тажриба заводини қуриш, ахлат қуйдириш қурилмаларини ишга солиш, атроф-муҳитга зарарли газ чиқарувчи корхона ва цехларни қайта жиҳозлаш кабилар ҳам тадбирлар планига киритилган.

Ўнинчи беш йилликда корхона ва ташкилотларни чанг ушлаб қолувчи ва газлардан тозаловчи қурилмалар билан таъминлаш аввалги йилларга қараганда бир ярим марта ортди, бузуқ ва кам фойда берадиган қурилмалар сони кескин камайтирилди. Биргина Тошкент тўқимачилик комбинатининг ўзида янги вентиляция қурилмалари, чанг тутувчи қурилмалар, шовқин тўсувчи қопламалар монтаж қилинди. Бир қатор корхоналарда газ тозаловчи қурилмаларни ҳужжатлаштириш ишлари жорий қилинди. Шаҳримиздаги йирик 47 та автотранспорт хўжаликларида ишлатилган газларнинг зарарини аниқлайдиган контроль-ўлчов пунктлари ишлаб турибди. Ҳозирда шаҳримизда 360 дан ортиқ автомашина газ билан ишлаяпти.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини самарали ҳал этиш ўз навбатида амалга ошириладиган ишлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги табиатни муҳофаза қилиш комиссияси ва Тошкент шаҳар ижроия комитети ҳузуридаги ана шундай комиссия йиғилишларида ҳал этилмоқда.

КПСС XXVI съезди қарорлари ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг съездга қилган Ҳисобот докладида атроф-муҳитни ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишларни янада кенг авж олдириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Ҳавога зарарли газларни чиқаришни камайтириш мақсадида технологик жараёнларни такомиллаштириш ва зарарли газларни тозалашни яхшилаш ана шундай муҳим ишлардан ҳисобланади. Ана шунга кўра зарарли газларни ушлаб қолувчи юксак самарали аппаратлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, саноатда ишлатилган сувни тозалайдиган ҳамда табиий муҳитнинг қандайлигини текширадиган автоматик станция ва приборларни кўпроқ тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.

Тошкент шаҳрида ўн биринчи беш йилликда атроф-муҳитнинг мусаффолигини таъминлайдиган самарали комплекс тадбирларни жорий этиш кўзда тутилмоқда. Бўлар ҳавога зарарли газларнинг чиқишини камайтиришга олиб келади.

Бир группа ўртоқлар ҳаво ва сув ҳавзаларини муҳофаза қилиш ишларининг аҳволини анализ қилдилар. Натижада ҳавони ва сувни ифлос қилиш манбалари, корхона ва ташкилотларда газ ва чангларни тозалаш қурилмалари ишга солиш, атроф-муҳитга зарарли газ чиқарувчи корхона ва цехларни қайта жиҳозлаш кабилар ҳам тадбирлар планига киритилган.

Давлат автомобиль инспекцияси ходимлари атмосфера ҳавоси бузилишига транспорт воситалари кўпроқ сабабчи эканлигини яхши тушунадилар. Улар ёнларидан дудбурон қилиб ўтаётган автомобиль ёки мотоциклларни, двигатели бузуқ бўлиб ўта шовқин чиқарувчи транспорт воситаларини тўхтатиб, бошқарувчиларга тегишли чора кўриш билан бирга ана шундай транспортларни доимо назорат қилиб боришлари керак.

Ўн биринчи беш йилликда шаҳримизда табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига 47 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, табиатни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни мусаффо сақлаш бўйича белгиланган тадбирлар комплексини муваффақиятли равишда амалга оширишда ҳамма меҳнат коллективлари республикамиз пойтахтининг барча аҳолиси фаоллик кўрсатиши керак. Шаҳримизни янада гўзал, кўркам ва обод қилиш учун, яхши дам олиш ва фаровон турмушимиз учун биргаликда ҳаракат қилишимиз, Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш учун барча қисса қўшиши керак. Бу бизнинг юксак бурчимиздир.

М. НИЕЗОВ,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

Шаҳримизнинг зарбдор қурилишларидан бири бўлган Тошкент телеминораси жадал суръатлар билан юкка бўй чўзмоқда. Бу ноёб замонавий архитектура ансамблини бунёд этишда «Главташкентстрой»нинг 11-«Висотстрой» трести 69-қурилиш бошқармаси, шунингдек «Спецстальконструкция» трести (Ленинград) 26-монтаж бошқармасининг қурувчилари фаол иштирок этмоқдалар. Сиз маним бу фотолавҳада ленинградлик монтажчи-қурувчилардан Е. Надерашвили, В. Севестьянов, Е. Кудравцев ва С. Авакумовларни кўриб турибсиз.

• Намунали шаҳар номи учун

КЎЧАЛАРИМИЗ ЧИРОЙ ОЧСИН

Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантиришда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ободонлаштириш бош бошқармасининг ихтисослаштирилган йўл-эксплуатация трести коллективи катта ишларни амалга ошириб келмоқда. Шуни айтишнинг ўзи кифоя, бир беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этган йўлсозлар коллективи планга қўшимча равишда неча ўн минг сўмлик ремонт-қурилиш ишларини бажарди. Шунингдек, меҳнат унумдорлигини ошириш, қурилиш-ремонт ишлари таннархини камайтириш каби барча техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича яхши натижаларга эришилди.

Эксплуатация хизмати ходимлари ўзаро социалистик мусобақани кенг авж олдириш асосида ўзларига биркитилган йўллар, кўприклар, ўтиш йўллари, тоннеллар ва коллекторларни сақлаш ва улардан яхши фойдаланиш учун қунт билан кураш олиб бордилар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, уларнинг бу кўрсатган жонбозликлари самарали натижа берди. Ободонлаштириш объектларидан донмо «яхши» ва «аъло» баҳоларда фойдаланилди.

Бундай ютуқларга ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг фидокорона ҳамда ижодий меҳнатлари туфайли эришилди. Айниқса, Улуғ Ватан уруши ветерани Д. П. Насонов етакчилик қилаётган эллиқка яқин коммунистлар трест меҳнаткашлари ўртасида ишда ва ҳаётда намуна кўрсатишмоқда. Бригадалар ва ишчилар ўртасида олиб борилаётган социалистик мусобақа ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва иш сифатини яхшилаш имконини бермоқда.

Ободонлашти р и ш объектларини асраш ва уларда олиб бориладиган иш планларини муваффақиятли бажаришда кўпгина бригадалар ва ишчилар алоҳида жонбозлик кўрсатишмоқда. Трест коллективи ўртасида асфальт ётқизувчи Қ. Раҳимов, йўл ишчиси О. Ғойипова, кўприк-эксплуатация участкасининг йўл ишчиси М. Ниёзов, «Инжколлектор» комбинатининг электриги Ф. Я. Севостьянов, шу комбинат йўл ишчиси Х. Ҳамроқулова, моторист, Собир Раҳимов район Совети депутати Б. П. Мешчеряков, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қурувчи, Собир Раҳимов район Совети депутати Ф. Қодиров каби ўнлаб ишчилар илғорликни қўлдан беришмаяпти.

1981 йилда трест коллективи олдида катта вазифалар турибди. 1980 йилда ишлаб чиқариш самарадорлигини, иш сифатини ошириш ҳамда халқ хўжалиги планини муваффақиятли бажариш юзасидан республика социалистик мусобақасида энг юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун трест коллективи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга сазовор бўлди. Бундан руҳланган трест коллективи ўн биринчи беш йиллигининг биринчи йилини меҳнатда энг юқори унумдорликка эришиш, зарбдорона меҳнат йилига айлантиришга аҳд қилди. Шунинг учун ҳам Боқиев, Ҳафизов, Турсунов бошлиқ асфальт ётқизувчилар бригадалари 1-ремонт қурилиш бошқармаси коллективи ўртасида, Якушкин ва Мадалиевлар бошлиқ бригада аъзолари 2-ремонт-қурилиш бошқармаси коллективи ўртасида 1981 йил ва ўн биринчи беш йиллик топшириқларини ҳамда қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш учун янги ташаббус билан иш бошладилар.

КПСС XXVI съезди очиладиган кунни икки ойлик қурилиш-ремонт ишлари планини муддатидан илгари бажариш билан кутиб олган трестимиз коллективи 1 Май байрамини ҳам муносиб туҳфалар билан қарши олди. Байрам олди вахтасида туриб меҳнат қилган ҳўжалик ҳисобида ишловчи коллектив ўтган тўрт ой мобайнида қариб бир миллион сўмликка яқин ободонлаштириш— қурилиш-ремонт ишларини бажаришга муваффақ бўлди.

Биз, ленинча анъанага содиқ қолиб, эришган ютуқларимиз билан кифояланиб қолмаймиз. Йил бошиданоқ ҳамма ишчилар илғор иш методини, новаторлар бой тажрибасини ўрганиб, машина ва механизмлардан янада яхшироқ фойдаланишга, ўзларининг касб маҳоратларини узлуксиз ошира боришга эришишлари учун ўзаро социалистик мусобақани кенг йўлга қўйдик.

Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида 3 миллион сўмликдан зиёд пудрат ишларини амалга оширишимиз керак. Шунинг учун ҳам трестимиз коллективи республика партия ва ҳукуматининг юксак мукофотига жавобан, ўзининг хизмат ва гражданлик бурчини шараф билан адо этади. КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларидан келиб чиқиб, олдимизга қўйилган вазифаларни муваффақиятли адо этиш учун куч ва ғайратларини аямайдилар.

А. АҲМЕДОВ,
Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети ободонлаштириш Бош бошқармаси ихтисослаштирилган йўл-эксплуатация трестининг бошқарувчиси.

Сиз суратда кўриб турган коммунистик меҳнат зарбдори Николай Жильцов Тошкентдаги «Геологоразведка» тажриба-экспериментал заводи капитал-ремонт цехининг илғор йиғувчи комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи. Бу бригада ишчилари мунтазам ойлик топшириқларини 130—140 процент адо этадилар.

М. Нуриддинов фотолари.

ХАТ БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА ҚЎРИЛДИ

ГАЗЕТА ВАҚТИДА ОЛИНАДИ

Редакцияга келган хатлардан бирида 3-алоқа бўлими хат-хабарлар ва газеталарни вақтида етказиб бермаётгани танқид қилинган эди.

Шаҳар почта алоқаси ишлаб чиқариш бошқармасидан олинган жавобда дарҳақиқат почтальон Ведьканованинг айби билан газеталар вақтида етказиб берилмагани қайд этилган. Айбдорга нисбатан маъмурий чора кўрилган. Хат 3-алоқа бўлими ишчилари ўртасида муҳокама этилди.

ТАНБЕҲ БЕРИЛДИ

Редакцияга келган хатлардан бирида «Ленинград» меҳмонхонасида меҳмонларга қўпол муомалада бўлинганги ҳақида шикоят қилинган эди.

Меҳмонхонлар хўжалиги бошқармасидан берилган жавобда кўрсатилишича, хатда келтирилган фактлар тасдиқланган. Меҳмонхона кассири Е. Камишова ҳамда 3-қаватни тозаловчи А. Бичковаларга маъмурий жазо берилди. Меҳмонхонада намунали хизмат кўрсатиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

МАДАНИЯТ МАРКАЗИ ЮБИЛЕЙИ

ПРАГА. Шу кунларда Прага марказидаги совет фани ва маданияти уйи ўз эшикларини меҳмондўстлик билан очиб қўйган кунга 10 йил тўлади. Ўша пайтдан бери бу уйнинг фаолияти Прага ва бутун Чехословакия маданий ҳамда ижтимоий-сиёсий турмушининг ажралмас таркибий қисми бўлиб қолди. Мингга яқин прагалик ва мамлакатнинг бошқа шаҳарлари аҳолиси ҳар кунк бу ерга келиб кўргазмалар билан танишмоқда, унинг қироатхоналарида мутолаа қилмоқда, совет кинофильмларини кўрмоқда.

Уйда ЧССРнинг меҳнат коллективлари билан мунтазам тематик учрашувлар ўтказилмоқда. Бу учрашувларда совет олимлари, маданият ва санъат арбоблари, меҳнат илғорлари ўз маҳоратлари, санъатларини намойиш қилмоқдалар. Унинг ҳузурида А. С. Пушкин номидаги Москва рус тили институтининг филиали ишлаб турибди. Бу филиал чехословак педагогларига, ўқувчилари ва студентларига, рус тилини ўрганаётган барча кишиларга катта методик ва амалий ёрдам бермоқда.

ВАЪДАГА ВАФО ҚИЛДИЛАР

БЕРЛИН. Ростокдаги кемасозлик корхонасида «Иван Макарин», қурук юк ташиш кемаси қуриб битказилди. Шу тариқа ГДР кемасозлари Совет Иттифоқига аталган бу кемани меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлиги кунигача сувга тушириш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар.

20 минг тонна қуруқ юк ортиладиган бу кема Арктиканинг қийин шароитларида ишлашга мослаштирилган.

ИЛҒОРЛАР МУКОФОТЛАНДИ

ГАВАНА. Бу ерда Куба Компартиясининг II съезди шарафига ўтказилган социалистик мусобақа ғолибларини мукофотлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Куба меҳнаткашлари касаба союз марказининг олий мукофоти — «Хесус Менендес» медали билан фахрий дипломларни Куба Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Давлат кенгаши ва Министрлар Кенгашининг Раиси Фидель Кастро, мамлакат партия ва ҳукуматининг бошқа раҳбарлари топширидилар.

УЛКАН ИРРИГАЦИЯ ИНШООТИ

ХАНОЙ. Вьетнам Социалистик Республикасининг жанубидаги Тэйнинь вилоятида республикадаги энг катта «Заутиенг» ирригация иншооти қурила бошлади. Бу — Вьетнамнинг иккинчи беш йиллигидаги қишлоқ хўжалик қурилишининг энг зўр объектидир. Узунлиги 1100 метрдан ошадиган ва баландлиги сал кам 30 метр келадиган қудратли тўғон Сайгон дарёсини тўсади. 27 минг гектар майдонни эгаллайдиган ва сал кам бир ярим миллиард куб метр сув сиғадиган сув омбори барпо этилади. 1984 йилда қуриб битказиладиган янги ирригация иншооти 172 минг гектар қўрғоқчил ерни мунтазам суғоришни таъминлаш имконини беради. Бу ерда шакарқамиш, шоли, бошқа муҳим техника ва озиқ-овқат экинлари етиштириладиган майдонлар барпо этилади.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

ПРАГА. Ўтган беш йилликда Чехословакия пойтахтида янги дарахтзорлар 350 гектардан зиёд кўпайди. Янги қурилиш районларида ҳам, шаҳарнинг марказий кварталларида ҳам янги боғлар, хиёбонлар, гулзорлар пайдо бўлди. Буларнинг кўпчилигини прагаликларнинг ўзлари шанбалик ва якшанбаликлар вақтида барпо этдилар.

Шаҳар маъмурларининг куч-ғайрати ва Прага аҳолисининг ташаббуси туфайли кейинги йилларда у Европадаги энг кўкаламзор пойтахтлардан бирига айланди. Шаҳарда жами майдони 760 гектар келадиган 240 та боғ, шунингдек 4 минг гектарга чўзилиб кетган бир неча ўрмон массивлари бор. Ҳозир шаҳардаги ҳар бир кишига қариб 40 квадрат метр дарахтзор тўғри келади.

БУДАПЕШТ. Венгрия пойтахтида қаҳрамонлар майдонидаги архитектура ансамблларида ва ёдгорликлар реконструкция қилина бошланди. Биноқорлар майдонининг қатнов қисми қопламасини алмаштираётгандилар, унинг биноларига аввалги қиёфасини бағишлайдилар.

Майдонни реконструкция қилиш Будапештда қадимий ёдгорликларни муҳофаза қилиш кенг программасининг бир қисмидир.

Бу йил ана шу мақсадлар учун бир миллиард форинтдан кўпроқ маблағ сарфлаш режалаштирилмоқда.

Шаҳарнинг бошқа районларида ҳам қайта тиклаш ишлари ўтказилади. Будай қалъасидаги собиқ қирол саройини реконструкция қилиш давом этмоқда.

УЛАН-БАТОР. Монголия пойтахтида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошланди. Ерларни кўчат экишга тайёрлаш, болалар майдончаларида ва спорт майдончаларини тартибга келтириш учун минг-миллаб шаҳарликлар бўш вақтларида Улан-батор кўчаларига чиқмоқдалар. Бу йил пойтахтда 140 минг туп дарахт кўчатлари ва буталар ўтказиш лозим.

НЬЮ-ЙОРК. АҚШдаги энг йирик шаҳарларидан бири бўлган Бостонда шаҳар транспорти танглиги кучайиб бормоқда. Маблағ етишмаганлиги сабабли шаҳар маъмурлари автобус маршрутлари сонини ва метрода поезднар қатновини 20 процент қисқартирдилар. Ана шу чоралар натижасида 500 га яқин киши ишдан бўшатилди. Бостоннинг баъзи районларида шанба ва якшанба кунлари транспорт қатнови батамом тўхтатилди.

Бостон шаҳрининг маъмурлари 600 дан кўпроқ муниципал ишчи ва хизматчини ишдан бўшатиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Маъмурлар одамларни кўплаб ишдан бўшатиш билан шаҳар бошидан кечираётган оғир молиявий тангликдан чиқиш йўлини қидирмоқдалар. Муниципалитет маълумотларига кўра, шу йил 1 апреддан бошлаб 1.500 кишининг ишдан бўшатилганлиги эълон қилинди.

КЕСКИНЛИКНИ КУЧАЙТИРМОҚДАЛАР

ЖАКАРТА. Америка Қўшма Штатлари маъмурияти ер юзининг турли районларидаги стратегик жиҳатдан муҳим позицияларни эгаллаш мақсадида «совет хавфи» деган сохта афсонани ҳар томонлама авж олдирмоқда. Индонезиянинг таниқли жамоат арбоби М. Софиан «Индонезиян обсервер» газетаси саҳифасида босилган ва Америка ташқи сиёсатига бағишланган мақоласида ана шу ҳақда ёзади. АҚШ сиёсати, деб таъкидлайди автор, қуролланиш пойгасини кучайтиришга, «совуқ уруш» замонларига қайтишга олиб келади, ялпи тинчликка хатарли равишда таҳдид туғдиради.

БИРИНЧИ ИНТЕРНАТ - МАКТАБ

АНТАНАНАРИВУ. Сейшель архипелагидаги асосий Маэ оролининг шимоли-ғарбий соҳилида жойлашган Порт—Лонэ миллий ёшлар қишлоғида катта ўзгаришлар бошланди.

Бундан икки ой муқаддам бу ерда мамлакатда биринчи интернат-мактаб очилди. Бу ерда ўрта мактабни битирувчилар икки йил давомида умумий таълим фанларини ўзлаштиришга қолмай, айни вақтда меҳнат малакалари ҳосил қиладилар, профессионал тайёргарликдан ўтадилар. Устахоналар, фермалар ва далалардаги иш музнка ва амалий санъат машғулотлари билан, стадионлардаги машқлар билан алмашиниб туради. Интернат-мактабга кириб ўқиш истагини билдирганлар сони мактабдаги ўринлар сонидан анча кўплиги бежиз эмас.

Порт—Лонэдаги эксперимент — Сейшель оролларида маориф системаси ислоҳ қилинаётганлигининг таркибий қисмидир. Бундан мақсад сейшеллик барча ёшлар учун уларнинг иқтидорли келиб чиқишидан қатъи назар билим олиш имкониятини беришдан иборат. Шунинг учун ҳам Ҳинд океанидаги мазкур республика ҳукумати тўққиз йиллик бепул ва мажбурий ўрта таълим жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Архипелагнинг барча йирик аҳоли пунктларида болалар боғчаларини ва мактаблар ташкил этилмоқда. Педагоглар олдига ўқувчиларга жонажон мамлакат, унинг тарихи ва географияси тўғрисида кўпроқ билим бериш, профессионал кўникма асосларини ҳосил қилиш, иқтисодий-сиёсий фанлар билан яқиндан таништириш, креоль тилида ўқитиладиган фанларни кўпайтириш вазифаси қўйилди.

ОИЛА

ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР

Халқ одобномаси саҳифаларидан

ЯХШИ ФАРЗАНД — ОИЛА ГУЛИ

Доно халқимизнинг «Болани бошидан, ниҳолни ёшидан асра» деган ҳикматининг чуқур маъноси бор. Ўзингиз бир ўйланг, ниҳол экдингиз, уни ўз вақтида қараб, парваришлаб турмасангиз у ҳеч яхши авж олмайди, авж олмадими— мева қилмайди, ундан баҳра олиб бўлмайди. Фарзанд ҳам худди шундай. Гўдаклигидаки

Сенга қўйдим яхши от, аллаё алла,
Яхши ниятдир мурод, аллаё, алла.
Элу юртга суянсанг, аллаё алла,
Сенга булгуси қанот, аллаё алла.

Фарзанд! Бу сўзнинг маъноси олам қадар. Ҳа, яхши фарзанд ота-она кўрки, умид-орзуси. У оиланинг гули, ҳаёт неъмати. Ҳар қандай инсон дунёга келиб, фарзанд деб яшайди, уларни деб ҳаётнинг аччиқ-чучугига чидайди, тер тўкиб, меҳнат қилади. Қобил фарзанд ота-она ҳаётининг давоми, бугуни ва эртаси... У оиланинг барқарорлиги, равнақи, шодлик-қувончи, роҳат-фароғатидир.

Яхши фарзанд на фақат ота-онанинг, балки элнинг кўрки, юрт бойлиги, куч-қудрати... Халқ айтади:

Қизинг яхши бўлса, ўғилдан знёд,
Ўғлинг яхши бўлса, отангдан знёд.

⁂

Бола — ҳаётнинг безаги,

⁂

Яхши ўғил — юрт бойлиги.

ХИКОЯТ: Қадим замонда икки қўшни яшаган экан. Бири бою, лекин бефарзанд, иккинчиси эса болачакаси кўпу, бироқ ниҳоятда камбағал экан. Бола-чакаси кўп камбағал қўшнининг уйи кеча-кундуз шовқин-сурон, тўполон, вағир-вуғур бўлиб, бой қўшнисига ҳеч тинчлик бермас экан. Бир кун бой қўшнисиникига чиқиб:

— Тинчлик берасизларми—йўқми, ейишга овқатларинг йўқ, ҳаммаёқдан карз бўлиб ётибсанлар-ку, кечасию, кундузи уйларингда кулгу, шовқин-сурон, бу нима деган гап! — деб дўқ урибди.

Шунда қўшниси жавоб қайтариб:

— Эй қўшни, бизнинг олтин олмаларимиз бор. Шуларни думалатиб, ўйнаб димоғимизни чоғ қиламиз. Шунинг учун бизнинг уйимиздан кулгу аримайди, — дебди.

Бу сўзни эшитган бой қўшни индамай ўз уйига кириб, хотинига:

— Хотин, сандиқни оч, олтинларни бер, мен уларни заргарга олиб бориб иккита олтин олма ясатиб келай, сўнгра биз ҳам шод-ҳуррам бўлиб яшаймиз,— дебди.

Хотини сандиқдан олтинларни олиб эрига берибди. Бой уларни заргарга олиб бориб иккита олтин олма ясатибди. Олмаларни олиб келиб, уйида эр-хотин тоза думалатишибди. Бироқ иккиси ҳам сира кулмабди. Улар олтин олмани думалата-думалата чарчаб: «Ҳеч кулмаяпмиз-ку, нима қилсак куларкинмиз», — деб бош қотиришибди. Ниҳоят бой яна қўшнисиникига чиқиб сўрабди:

— Қўшни, биз ҳам олтин олмани эр-хотин кўп думалатдик, лекин ўйимизда ҳеч хурсандчилик бўлмади. Бунинг сири нима, шуни айтиб берсангиз, — дебди.

Қўшниси:

— Эй бой бобо, бизнинг олтинларимиз, кулгимиз, бахтимиз, мана шу болаларимиз. Биз ҳар куни шулар билан қувонамиз, куламиз, яйраймиз. Натижада, қийинчиликларимиз ҳам, қарзларимиз ҳам унутилиб кетади. Булар бизнинг бозорларимиз, — дебди.

Бой ўзининг бефарзандлигидан афсуслениб, шўр пешонасига шапатилаб, қадди дол бўлиб уйига кириб кетибди.

Ҳа, болани — бола демаслик керак. У билан тил топиш ниҳоятда мураккаб ва қийин. Бола билан суҳбатлашганда ва муомалада бўлганда эҳтиёт бўлиш, ҳар бир сўз, ҳар бир иборага эътибор қилиш. Ўзида ҳам, амалда ҳам ибрат намунасини кўрсатиш, кисқаси қалбидан жой оладиган тарзда ҳаракат қилиш керак...

Лев Толстойнинг мана бу сўзлари юқоридаги гапларга ҳамоҳангдир:

«...Беш яшар боладан менгача фақат бир қадам, янги туғилган чақалоқдан беш ёшгача дахшатли масофа...»

Халқ бола тарбиясига унинг ёшлигидан эътибор бериш нақадар зарурлигини таъкидлаш билан бирга, бу борадаги ота-онанинг меҳнати, бурчи, масъулияти, тутган ўрни ва усули ҳақида ҳам кимматли фикрлар баён этади.

Масал: — Вой-бу, намунча бўкчаймасанг! Афт-ангворингни ойнага бир солгин-а, жудаям бужмайиб кетганини кўрасан. Қаддиқоматингни тик тутиб юрсанг бўлмайдими?— деди ёшлигига бориб Той Ота.

— О, Тойчоғим, сени безавол ўсиб, вояга етсин деб, шу аҳволга тушдим-да. Шуни ўқиб олганингда, менга бу сўзларни айтмаган бўлардинг,— жавоб қилди От.

Қиссадан ҳисса:
Фарзанд бахти — ота бахти,
Фарзанд камоли — она жамоли.

Болани кичкинагина хатога йўл қўйдингизми, кейин тузатиш осон бўлмайди. Ниҳолнинг баҳридан ўтиш мумкин, аммо фарзандингиз, инсон-ку... Шундай экан, уни туғилган кунидан бошлаб тарбияси ҳақида қуйиб-пишган ота-она ютқизмайди, ютади.

Халқ айтади:

Болани ёшнин сўрама,
Ақлнин сўра.

***

Яхши бола ном келтиради,
Ёмон бола ғам келтиради.

Кўпни кўрган кекса Муродилла ота Знёдилла ўғли «Болани бошидан...» халқ ҳикматини шарҳлар экан, шундай деган эди:

— Ҳали анча ёш, чамамда беш-олтида эдим. Ўшанда дадамдан эшитган гапларим ҳечам эсимдан чиқмайди. Бир куни ариқда оқиб турган сувга тупурганимни кўриб қолиб, дадам: «Болам сувга тупурманг, ёмон бўлади», деб қолдилар. «Нега ёмон бўлади, сувнинг жони борми, тупурганимни биладими», дедим. «Билади ўғлим, сувнинг ҳам жони бор, — деб қолди ўшанда дадам.— Нима ёмонлик қилдики, унга тупурасиз. Ахир, чанқоғингизни қондирса, кирлаб кетишдан сақласа, қийин-кечагингизни ювса қилса, энг охири... Катта отангизнинг кўз юмиш олдидан сув сўраганларини кўргансиз-ку?! Сув томиздик, сўнг сувда ювиб-тараб, жойларига қўйдик. Ҳа, сувни ҳурмат қилинг, у бўлмаса на ер яшнайди, на сиз билан биз ўниб-ўсамиз. Сув — ҳаётку, ахир!

Яна бир куни дарахтга тош отдимми, шохини синдирдим, дадам кўриб қолиб, шундай деганларини биламан: «— Ўғлим, нега энди дарахтни хафа қиласиз. Ахир у йиғлайди-ку?» «Нима дарахтнинг ҳам жони борми?» — дедим. «Ҳа, дарахтнинг ҳам жони бор, — деди дадам,— уни оғритсангиз йиғлайди. Ахир, у сизни-бизни деб яшайди: бутун умрини бағишлайди. Ёзнинг иссиқ кунларига, қишнинг аччиқ совуқларига чидаб мева тугади, соясига олади. Қуриб адо бўлганда ҳам инсонларни ўйлайди: ўтинга айланиб, унинг хонадаги ишини, ошхонадаги ишини ишитади. Сиз бўлса унга тош отиб, шохини синдирасиз, шу инсофданми?!

Энди ҳаётнинг ҳулқ-атвор билан ибрат кўрсатиш юқорида ҳикматлар билан мантиқан боғланиб кетади:

Бокка қараса тоза гул ўсади,
Дарё йўлин яхши мироб тўсади.
Ота-она ёшлигидан қараса,
Ҳамма бола яхши бўлиб ўсади.

Шундай қилиб, «Болани бошидан, ниҳолни ёшидан асра...» ҳикматида халқ педагогикасининг бутун моҳияти яширинган дейиш мумкин. Дарҳақиқат, ҳар қандай кишининг жисмоний ҳамда маънавий шаклланиши, ахлоқ-одоб бобида етукликка эришуви ёшлигидан бошланади. Бола ёшлиги ва ўсмирлигида тўғри тарбия топиб, одоб йўлидан тоймай униб-ўсса, вояга етганда ҳам шу йўлдан тоймайди. Аксинча, болалигида нотўғри тарбия топдими, кейинча уни тўғри йўлга солиб олиш жуда мушкул... Ҳар бир ота-она доно халқнинг «Болани бошидан, ниҳолни ёшидан асра» деган фалсафий ва дидактик ҳикматига амал қилса, фарзандини камолга етказиб яхши ном топади ва ундан абадий баҳра олади.

М. МУРОДОВ,
филология фанлари доктори.

Болаликнинг ўз завқи бор. Улар ҳар дақиқа ҳаётнинг қизиқ ҳақиқатларини ўрганишади. Акмал Икромов районидаги 217-болалар боғчасида тарбияланаётган кичкинтойлар мураббийлари ўтказаётган машғулотларга қизиқиш билан қатнашишади. Уларнинг завқли ўйинлари ҳаммага қувонч бағишлайди.

СУРАТДА: катта группа тарбиячиси Мухтасар Ҳакимова болалар билан ҳисоб бўйича машғулот ўтказмоқда.

Э. МУҲАМЕДОВ фотоси.

БОЛА ҚАЛБИ

КИЧИК ҲИКОЯ

Бугун кенжа ўғли Тоҳирнинг туғилган куни. Рашид ака совға танлаб узоқ бош қотирди. Нима олсам экан? У олмоқчи бўлган болаларбоп нарсаларнинг ҳамаси ўғлида бор. Ўйинчоқка муҳтожлик жойи йўқ. Ахир бўлмади, Ҳамкасбларига маслаҳат солди.

— Машина олинг, болаларга зўр совға, — деди ҳамкасбларидан бири.

— Машиналари бор, бир неча хилидан, — деди Рашид ака.

— Танк олинг, танк, ахир бу ўйинчоқни севмайдиган ўғил бола борми...

— Э, унисидан ҳам ўтган ойликда ўзи юрадиганини олиб бергانман.

— Шошманг, — деди ёшгина, шоир табиат, кўзойнакли йигит барчанинг диққатини ўзига қаратиб. — Ўғлингиз нимага қизикади ўзи?

Рашид ака ўйлаб қолди. Топди. Ўғли расм чизишга қизиқади-ку. Танк, машина, от, қуш кабиларнинг суратини чизиб юради. Қўли ҳам анча келишиб қолган.

— Расм чизишга қизиқади.

— Унда расм дафтар билан рангли қалам совға қилинг.

Дарвоқе, ўғлининг расм дафтари йўқ. Акаларининг дарслик дафтарларига расм чизиб дакки эшитиб юради.

Рашид ака уйига қайтди. Ийл-йўлакай магазиндан расм дафтар билан бир пачка рангли қалам олди.

— Тоҳиржон, бери кел ўғлим! — ўйинчоқлари ичида кўмилиб ўйнаб ўтирган ўғлини чақирди Рашид ака. — Қани, менга айтчи, бугун неча ёшга кирасан, ўғлим?

Бола бийрон жавоб берди:

— Олтига, олти ёшга...

— Баракалла ўғлим, сени туғилган кунинг билан табриклайман.

Рашид ака уни қучиб пешонасидан ўпди. Кейин қўлидагиларни топширди.

Боланинг кўзлари севинчдан чақнаб кетди. Раҳмат айтиб қўшни хонага кириб кетди. Бир оз ўтмай қайтиб чиқди. Қўлидаги дафтарини адасига узатди. Рашид ака дафтарни қўлига олди. Очиқ саҳифада ер шарининг сурати туширилган бўлиб, кўк осмон фонида қандайдир қушнинг беўхшов сурати акс эттирилган эди.

— Бу нима, ўғлим? — ҳеч нарса тушунмаган Рашид ака ўғлига ажабланиб қаради.

— Бу ер шари, манависи кабутар, — деди бола дона-дона қилиб, бармоғи билан суратга нуқиб,

— Баракалла! — Рашид ака ўғлини мақтади, — қани энди танкнинг суратини чизиб бер-чи...

Адасининг мақтовидан боши кўкка етиб турган боланинг авзойи бирдан ўзгарди. Чеҳрасидаги қулги йўқолиб, кўзларида кўркув, ғалати бир маъюслик ўти ёлқинланди. Болаларга хос изтиробли овозда шошиб-пишиб эътироз билдира бошлади:

— Керак эмас! Танк ёмон, жуда ёмон! У одамларни ўлдиради... Болаларни босади! Керак эмас! У ёмон, ёмон!

Рашид аканинг ҳайратдан оғзи очилиб қолди. Хаёлида кеча телевизорда кўрган уруш кино лавҳалари жонланди. Ўғлининг нозик елкаларидан қучиб бағрига босди. У расмнинг маъносига, ўғлининг ниятига энди тушунган эди. Қалби эса сассиз хитоб қиларди:

«— Эй, одамлар дунёни болаларга беринг, ўшанда ердан баҳор, чеҳралардан кулги, кўнгилларидан қувонч аримайди!».

Хона бурчагида эса ўйинчоқлар тубидан айириб ташланган танк ағанаб ётарди.

Нормурод НОРҚОБУЛОВ.

АРАФА

Иван СТАДНЮК.

— Яков Николаевич, менинг ҳозирги вазифага бунчалар шошилинч тайинланишим сабаби нимада? Бир неча соат ичида ишимни топширишга улгуришим керак эди.

— Ростданми?— Федоренко таажжубда қошларини чимирди. — Сени огоҳлантириб қўйишлари керак эди. Яхши қилишмапти. — У календарга нималарнидир ёзиб қўйди. — Бироқ хизмат жойингга кечикмай бормасанг бўлмайди.. Чегара нотинчроқ.

— Унда ТАССнинг яқиндаги ахборотини қандай тушунса бўлади? — сўради беихтиёр Чумаков.

Яков Николаевич жим ўйлаб турди-да, гўё истамагандай жавоб қайтарди:

— ТАСС ахбороти — бу давлат ташқи сиёсатининг ифодаси. Уруш сиёсатнинг бошқача воситалар билан давом эттириш эканлигини ўзинг биласан-ку. Ҳозирча уруш йўқ экан биз қарбийлардан бир нарса: жанговар қудратни мустаҳкамлаш ва шай туриш талаб этилади. Бироқ... хавотиримизни ҳам, тайёргарлигимизни ҳам намойиш қилмаслигимиз лозим. Мумкин қадар тўқнашувдан қочишимиз зарур. Ҳатто чегарада биз томондан тасодифан отилган ўқ ҳам ибо сифатида қаралиши мумкин.

Чумаков шундан кейин мақола тайёрлигини айтгани маршал Шапошников кабинетига қараб юрди. Бироқ қабулхона остонасини ҳатлар-ҳатламас маршал кабинетидан чиқиб келаётганини кўрди. Борис Михайловичнинг кўриниши ташвишли ва ковоғи солиқ бўлиб, қаёққадир шошиларди. У Чумаков билан наридан бери сўрашди-да, машинкада ёзилган ўн қоғозли текст солинган папкани олиб, миннатдорчилик билдирди. Чумаков бугун Минскка кетишини билганидан кейин албатта у ердан қўнғироқ қилишни сўради...

Ҳатто соҳа ҳам дим эди. Чумаковнинг ёнига похол шляпаси билан кўзга кўринмас чангни артиб, қўлида газета ушлаган, юзлари қиқиқиил бир чол ўтирди. Фёдор Ксенофонтович мўйсафиднинг оппоқ мўйловини силай-силай унга синчиклаб қараб қўяётганлигини сезди. Чол у билан гурунглашмоқчилигини ҳам пайқади. Генералнинг эса гурунглашишга тоби йўқ эди. У жўнаб кеттунича ҳарбий китоблар магазинида, «Военная мысль» журнали редакциясида бўлиши ва ўзининг кекса устози, профессор ва генерал Нил Игнатович Романовни бориб кўриши зарур эди. Устозининг уйида Ольга билан танишганлиги учун ҳам унга бурчли эди. Чумаков профессор билан учрашувни хуш кўрар, у билан ҳаётнинг муаммолари ва мураккабликлари ҳусусида дилдан суҳбатлашишни ёқтирарди. Хуллас, Фёдор Ксенофонтович ҳар гал Москвага келганида бир соат бўлса ҳам чолни кўриб кетишга вақт топар, ё уйига, ё бўлмаса академиядаги кафедрасига борарди.

Фёдор Ксенофонтович чала чекилган папиросини ахлат идишига ташлаб скамейкадан кўзголди-да, яқинроқдаги телефон-автоматга қараб юрди. Трубкани олиб, таниш квартира телефонининг рақамини терди. Унга профессорнинг кекса рафиқаси Софья Вениаминовна жавоб қилди, Фёдор Ксенофонтович ўзини танитиб, саломлашганидан кейин трубкадан босиқ йиғи эшитилди.

— Нил Игнатовичимиз оғир бетоб, — Софья Веннаминовна йиғи аралаш ҳасрат қилди. — Лефортоводаги госпиталда ётибди, ёнимга ҳеч кимни киритмаётганлар, деган. Сен эса, Феденька, борақол... Куни битаяпти...

— Аҳволи қалай? — деб сўради Чумаков Нил Игнатовичнинг палатасига киришдан олдин кекса врачдан.

— Дуруст... Ақли ҳайратангиз тиниқлашган,— жавоб қайтарди врач ўйчан,— хавотирга солянти бу мени.

Палатанинг катта деразеси очиқ бўлиб, ундан госпиталь паркининг паровришланган кўмкўк дарахтлари кўриниб турганига қарамай, ичкаонни дори ҳиди босиб кетганди. Гўё палатанинг тақир деворлари профессор Романов устига чойшаб ёпиниб ётган каравотнинг оппоқ панжаралари ва бош тарафидаги оппоқ тумбочка дори ҳиди таратаётгандай туюларди.

Хонадаги деярли барча нарсалар оппоқ рангда бўлгани учун Нил Игнатович Романовнинг қуруқшоқ юзи ҳаддан ташқаои рангпар, ҳатто кулранг туюлган бўлса ҳам ажаб эмас. Профессорнинг оппоқ мўйлови сийраклашиб, хунуклашган, кичрайган бурунчасидаги эскича чиройли пенснеси кандай кўриб турганига ҳам ақл бовар қилмасди. Чолнинг пенсне тагидаги нам кўзларидан андак мунг ва беҳарворлик ифодасини илгаса бўларди.

Ҳа, ҳарбий фанлар доктори, урушлар тарихи ва ҳарбий санъатнинг энг йирик билимдони бўлган генерал Романов ҳаёт билан видолашаётганди. Фёдор Ксенофонтович буни аниқ билгани учун Нил Игнатович билан охирги бор дийдор кўришаётганини чуқур изтиробда кўнглидан кечирарди.

Бу азиз инсонга нима десин, нима билан юпатсин ёки вақтинча бўлса ҳам унинг ноҳуш хаёлларини қандай тарқатсин?

— Яшашдан чарчадим, — профессор кутилмаган меҳмоннинг гангиб турганини тушунганидан тетик гапирди-да, чойшаб устидаги буришиқ қўлини силкитиб ҳам қўйди. — Ҳафа бўлишни ҳам, бировни... ҳатто яқинларимни ҳам кўришни истамайман... Сенинг келганингдан эса хурсандман.— Профессор банғоҳ Фёдор Ксенофонтовичга тикилиб қаровди, у бу сўзлар тўғрилигига ишонди. — Сен билан бу дунёда ҳалигача мени ушлаб турган ҳамма нарсалар ҳақида гаплашса бўлади. Тушунаяпсанми?.. Менинг бутун ҳаётим мулоҳаза юритиш билан ўтди. Ҳозир эса жуда кўп нарсаларни айтолмаганга ўхшайман... Келганинг учун раҳмат, Фёдор. Ольганг эса мени кечирсин.— Чол Ольга Васильевна Москвада эмас, Ленинградда эканлигини унутганди. — Нариги дунёга кетар олдимда жияним билан нимани ҳам гаплашардим?.. Сенинг йўрғинг бўлак... Сен менинг бир бўлагимсан, менинг билимларим сенга ўтган... Мен барча истеъдодли шогирдларимни... — Нил Игнатович ҳарбий кишилар тўлдирган ўқув аудиториясини кўздан кечираётгандай жимиб қолди. — Мабодо группада иккита-учта шунақа тингловчи бўлганида ҳам лекцияни қизиқиш билан ўқирдим. Мен тарихни қайтадан варақлаб, тарихий-фалсафий масалаларга анча аниқроқ таҳлил ахтара бошладим, илгари, бўлиб ўтган урушларга чуқурроқ қараб, улардан шунақа нарсалар топдимки, буларни этим жимирлаб кетарди... Урушлар тарихи кўп жиҳатдан телбалик тарихидир, деган гапни ким айтгани ёдимда йўқ... Бироқ бу фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмайди, чунки тарих айни пайтда башар тажрибаси ва асрлар идрокини ҳам ўзига жо қилади. Агар тарих, умуман тарих фани (буни ёдингдан чиқарма, Фёдор!) замонасидаги ғаразгўйликларга сунъий равишда хизмат қилиш даражасида ўзини хор этмаса, теранлик бобида ҳам, тафаккурда ҳам чегара билмайди. Башарнинг машаққатли йўлида давлат, сиёсат ёки фаннинг қўли узун вакиллари тарихга фоҳишадай муомала қилишган ҳоллар бўлган. Тарих ҳам сўнгра кўзи очилсин, деб мақбаралар узра кўзга кўринмас шармандали ёдгорликлар қаққайтириб бажариятдан боплаб ўчини олган... Йигирманчи асрнинг ашаддий найранг-бози Адольф Гитлер ҳозирда тарихга ана шундай муомала қилмоқда!.. Гитлер Германия тарихидан дадил қўлқоп ясаб олиб, қўли куюшидан ҳам кўрқмай герман халқини телбалик йўлига ундамоқда... Россия тарихига эса кичрайтирадиган ва ис босган ойна орқали қараяпти, ўтмишимизнинг ёркин саҳифалари, маданиятимизнинг барча буюк томонларини миллий-социал валдирашлар дуди билан тўсолмай уларга германлар даҳлдорлигини тушунтиришга уринмоқда.

— Ўзингизни уринтириб қўяяпсиз, Нил Игнатович, — деди Чумаков жимликдан фойдаланиб. У тез орада устозидан жудо бўлиб қолишини ўйлаётгани учун вужуди эзилар, шунинг учун ҳам профессор гапларининг мазмуни чақишга қийналарди.

— Тўғри, толиқяпман, — Нил Игнатович унинг гапига қўшилди. — Бироқ дилимни ёндираётган нарсалар хусусида сен билан гаплашишимга бошқа фурсат бўлмайди... Ахир келишингни кутиб турувдим-да, азизим. Келиб кўришингни биладим... Эски ҳамкасбим ва дўстим маршал Шапошников ҳам келиб кўришини биларди... Балки адашаётгандирман. Ҳозир Шапошников учун оғир пайт... Хўш, Москвага қайси шамол учирди сени?

— Янги вазифага тайинландим. Ғарбий Белоруссияга механизациялашган корпуса қўмондонлик қилгаки кетаяпман, — Чумаков нимагадир бугун маршал хузурида бўлгани ва у билан гаплашолмагани ҳақида индамади.

— Ғарбий Белоруссияга дейсанми?... Демак фронтга кетаётган экансан. — Профессорнинг кўзлари мунгли ялтираб, овози жиддийлашди. — Уруш — бугун эмас, эртага. Шунинг учун Ольга билан қизингни олиб кетма.

— Урушга ҳали бордир! — Фёдор Ксенофонтовичнинг кўнглига ғулғула тушди. — Урушга чап бериб бўлмайди, албатта, бироқ Гитлер билан шартнома бўлгандан кейин... Ўтган ҳафтадаги ТАСС ахбороти ҳам... Германия ахд шартларига амал қилаётганга ўхшайди-ку.

— Уруш остонада турибди, кадрли Фёдор.— Профессор Чумаковга синчиклаб тикилди. — Академиядаги кафедра бошлиғи бўлишимдан ташқари, ажойиб инсон Борис Михайлович Шапошниковнинг дўстиман. Бош штабда ҳам шогирдларим кўп... Улар кекса профессорни йўқлаб, маслаҳатга чақириб ҳам туришади.

— Маълумотлар борми? — ташвишланиб сўради Фёдор Ксенофонтович.

— Маълумотни бўлаётган воқеалардан илғай билиш керак... Нил Игнатович аянчлироқ жилмайиб қўйди. — Биз Германия билан нима учун ҳужум қилмаслик ҳақида ахднома тузишга рози бўлганимизни тушунаяпсанми?

— Вақтдан ютиш учун...

— Бу — икки карра икки... Чемберлен билан Деладье Гитлерни СССРга қайраганлари, Германияни бизга гиж-гижлаш учун қўлларидан келган барча ишларни қилганларидан хабаринг йўқми? Улар кўплашиб туриб Гитлерни тинчлантириб қўйиш ҳақидаги барча таклифларимизни дипломатик найранглар билан йўққа чиқаришди-ку.

— Балки биз таклиф қилишни эпломагандирмиз? — Фёдор Ксенофонтович шундай деди ю, генерал бўла туриб шунчалар оддий нарсалар ҳақида кам ўйлабман, дея ўзини ноқулай сеза бошлади.

— Йўқ, биз таклифларимизни ҳуқуқ ва изчиллик билан айтдик. Гитлер Австрияни чиллапчин қилганида Чехословакияни ҳам бир ёқли қилиши аниқ бўлиб қолди. Шунда биз Америка, Англия, Франция ва Совет Иттифоқи иштирокида конференция чақиришни таклиф этдик... Инглиз-герман ҳамдўстлигининг эски тарафдори бўлган Невилл Чемберлен таклифимизга жавобан Германиянинг Шарқий ва Жанубий-Шарқий Европадаги ҳукмронлиги ҳуқуқини ёқламаймиз, деб оғиз кўпиртирса ҳам Гитлерга таъзим бажо келтириб, маслаҳатга бориб турди.

— Франция ҳам тутуруқсиз қиликлар қилганди, — деб қўйди Фёдор Ксенофонтович. — Мен унинг Чехословакия билан ўзаро ёрдам ҳақидаги шартномасини бажармаганини айтаяпман.

— Бунда ҳаммаси анча мураккаб. — Профессор сукут сақлагач, гапида давом этди. — Гарчи Украинада кучларимиз тўпланиб, уларни Чехословакияга ёрдамга ташлашимиз мумкин бўлса-да, биз ҳам шартномани бажара олмадик. Прагадагилар бизнинг ёрдамимиздан бош тортишди: уларнинг буржуазияси немислар билан оғиз-бурун ўпишишга умид қиларди. Франция эса ҳал қилувчи дақиқада бўлмаганга бўлишма қабилида иш тутиб, шартнома мажбуриятларини бажаришни истамади.

— Шуниси аниқки, — гап қўшди Фёдор Ксенофонтович. — Хабашлар ўзларини ҳимоя қилдилар, испанлар курашдилар, гуситларнинг мағрур миллати эса немислар қаршисида бош эгди.

— Миллатнинг бунда айби йўқ... У барча воситалар билан ўзини ҳимоя қилишга тайёр. Чехословакия армияси бўйруқни кутарди. Бироқ йирик буржуазия тепасидагилар ўз манфаатларини кўзлаб, республика ва миллат манфаатларига хиёнат қилишга рози бўлдилар. Франция бундан фойдаланиб қолди... Кейин ўттиз тўққизинчи йилнинг мартидан Франция, Англия билан ўртамизда музокара олиб борилди. Узинг билганингдай, бундан бирорта наф чиқмади. — Нил Игнатович ёнидаги тумбочкада турган стакандаги боржомдан бир хўпладида, шифтга қараганича гапида давом этди: — Польша таҳлика остида қолганида биз Англия-Франция-СССР ҳарбий иттифоқи тузишни таклиф этдик... Чемберлен рад жавоби берди, албатта, баъзи француз, инглиз ва Америка газеталари яна Скоропадский бошчилигида Германия таъсиридаги «Буюк Украина» тузиш фурсати келди, деб аюханнос солдилар.

— Тушунамаман. — Чумаков иқтисоли қилимсиради. Мана, жаноб немислар, сизларга шарққа тўғри йўл. Фақат бизга таҳдид қилмасанглар бўлгани, дегандай...

Эркин НОҒИРОВ
таржимаси.

(ОХИРИ. Боши газетанинг ўтган сонларида).

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Б. СОЛИЕВ: Бир ойлик синов муддати пайтида бир ҳафта мобайнида касал бўлиб қолдим. Айтингчи, ана шу касаллик билан ўтган бир ҳафта синов муддатига қўшиладими?

Жавоб: Ишчи ва хизматчилар агар улар бир ойлик синов муддати мобайнида вақтинча меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолсалар ёки узрли сабабга кўра ходим ишда бўлмай қолса, унинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсиз даври ва бошқа давом синов муддатига қўшилмайди.

⁂

В. САЪДУЛЛАЕВ: Эшитишимизча қараганда янги квартираларга кўчаётган кишиларга юк транспорти билан хизмат кўрсатадиган махсус агентлик бор экан. Ана шу агентлик иши ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Чиндан ҳам янги квартирага кўчиш анча машаққатли иш. Юкларни саранжомсаришталаш керак, уларни ортиш ва туширишга лозим. Буларнинг ҳаммаси кишидан кўп вақтни сарфлашни талаб этади. Шундай кезларда Сизнинг хизматингизни енгилтирадиган агентлик ишчилари бор. У «Узтрансэкспедиция» агентлигидир. Бу агентликка буюртма берсангиз, юк ташиладиган такси белгиланган вақтда кўрсатилган адресга келади. Юк ташувчилар эса уйингиздаги барча асбоб-анжомларни тез ва соз ҳолда янги квартирага олиб келиб беришади, мебелларингизни ҳоҳишингизга караб жойлаштиришади. Агар борди-ю багажларни контейнерда бошқа шаҳарга юбормоқчи бўлсангиз ёки магазиндан сотиб олган мебелни уйингизга олиб келмоқчи бўлсангиз, бундай ҳолларда ҳам транспорт-экспедиция агентлиги Сизнинг хизматингизни чикаради.

Шу хусусдаги барча маълумотларни Марказий агентликдан олишингиз мумкин. У Ўзбекистон 50 йиллиги проспектидаги 35-уйда жойлашган. Телефони 41-80-10.

* * *

Ш. ПЎЛАТОВА: Шаҳримизда аҳоли буюртмасига кўра мебеллар тайёрлайдиган, рўзғорда қўлланадиган диван ва стулларнинг ғилофларини янгилаб берадиган махсус комбинат бор экан. Шу комбинатнинг қаерда жойлашганлигини айтиб берсангиз.

Жавоб: Шаҳримизнинг Қорасарой кўчасидаги 286-«а» уйда аҳоли буюртмаси бўйича турли хил мебелларни тайёрлаб берадиган комбинат жойлашган. Шунингдек, комбинат хизматчилари Сизнинг буюртмангизга кўра уй-рўзғорда ишлатиладиган диван ва стулларнинг ғилофларини ҳам янгилаб беришади. Шу хусусдаги қўшимча маълумотларни 48-35-28 рақамли телефондан билиб олишингиз мумкин.

* * *

Д. САРИМСОҚОВ: Мен радио ва телевизорларни ,тузатадиган уста бўлиб етишишни ,ҳоҳлайман. Шаҳримизда шундай касб эгаларини тайёрлайдиган ҳунар-техника билим юртлари борми? Бор бўлса шу билим юртларининг адресидан мени хабардор қилсангиз.

Жавоб: «Ивановолик тўқимачилар» кўчасидаги 8-уйда жойлашган 11-техника билим юртида шундай касб эгаларини тайёрланади. Бундан ташқари Тошкент шаҳрининг Ўкчи кўчасидаги 107-уйда шаҳар социал-таъминот бўлимига қарашли ҳунар-техника билим юрти жойлашган. Ана шу ерда ҳам радио ва телевизорларни тузатадиган усталар тайёрланади.

ЯХШИ ФАЗИЛАТЛИ КИШИЛАР

КАСБНИ УЛУҒЛАБ

Дарё сувини баҳор тоширади, инсон қадрини меҳнат оширади, дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат шундай. Меҳнат туфайли киши коллектив орасида обрў топади, ҳурмати ошади, орзулари рўёбга чиқади. Олимжон Маҳмудов ана шундайлардан биридир. У ўқитувчилик касбини бир неча йилдан бери улуғлаб келмоқда.

Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг тақсимот комиссияси ёш мутахассис О. Маҳмудовни Қашқадарё областига ишга юборди. У областдаги ҳозирги Чўлли Бегимқулов номли совхознинг пиллачилик бўлимига агроном қилиб тайинланди. Янгиликка интилувчан ёш мутахассисни совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти қўллаб-қувватлади. Ишбилармон агроном Москвадаги халқ хўжалик ютуқлари виставкасининг Ўзбекистон павильонига ишга юборилди. Ёш мутахассис у ерда ҳам самарали ишлади. Кейин Тошкентга келиб Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик экономикаси илмий текшириш институтининг аспирантурасига ўқишга кирди. 1965 йили «Ўзбекистоннинг ғарби-жанубида пиллачиликдаги самарадорликни ошириш йўллари» деган темада кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилди. Шу йили Тошкент қишлоқ хўжалик институтига ишга таклиф этилди. 1974 йилдан бери у қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини анализ қилиш кафедрасига мудирлик қилиб келяпти. Унинг 60 дан ортиқ илмий мақолалари вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилинди.

Олий институтнинг жамоат ишларида ҳам фаол қатнашиб келмоқда. Маҳаллада эса актив жамоатчи. «Марказ —13» кварталидаги у комитет раиси бўлган 22-уй «Намунали уй» деган номга сазовор бўлган.

Иқтисод фанлари кандидати О. Маҳмудов ҳалол меҳнати туфайли касбини улуғлаб келаётган ҳамшаҳарларимизнинг биридир.

И. ҲАМРОЕВ.

ЯНА МАҒЛУБИЯТ

«Пахтакор» (Тошкент) — «Динамо» (Минск) — 0:1

Командаларнинг состави: «Пахтакор»: Афанасьев, Байметов, Турчиненко, Могильний, Денисов, Иванов, Нортожиев, Якубик, Семенко, Амриев, Кабаев. Учрашувнинг иккинчи бўлимида Турчиненконинг ўрнига Церетели, Денисовнинг ўрнига Кухлевский майдонга тушди.

«Динамо»: Курбико, Трухан, Курненин, Мельников, Головня, Прокопенко, Гуринович, Пудишев, Павлов, Гоцманов, Василевский. Учрашувнинг иккинчи бўлимида Мельниковнинг ўрнига Румбутис, Гуриновичнинг ўрнига Кобренков майдонга тушди.

Шу куни беллашган командаларнинг бу йилги турнирдаги аҳволи бир хил эмас эди. Минсклик футболчилар чемпионатни жуда яхши бошлашди. Улар Тбилисининг «Динамо» командаси футболчиларини мағлубиятга учратдилар. Бу яхши кайфият командага пешқадам коллективлар сафидан жой олиш имконини берди.

Орадан кўп ўтмасдан командининг голибона одими тўхтаб қолди. Энди кўпроқ дуранг натижа қайд қилина бошлади. Шуниси қизиқки, команда барча ғалабаларни ўзгаларнинг майдонида қўлга киритган бўлса, ўз майдонида мағлубиятга учрай бошлади. Бундай нохуш «анъана» белоруссиялик футболчиларни ўтган йилги мавсумдан буён қийнаб келяпти. Мана икки мавсумдирки, команда ўз майдонида ғалаба нашидасини сурганн йўқ. Шунга қарамасдан «Динамо» турнир жадвалининг ўртасидан жой олиб турибди. У 12 имкониятдан 6 очко тўплаган.

«Пахтакор» эса турнир жадвалининг охирига тушиб кетди. Команда беш учрашувда мағлубиятга учради. Бир учрашувда ғалабага эришиб, бир учрашувни дуранг натижа билан якунлади. Шуни ҳам айтиш керакки, «Пахтакор»нинг футболчилари майдонга шунчаки вақт ўтказиш учун чиқишаётгани йўқ. Коллективнинг ўйини қовушмаяпти.

Энди учрашув ҳақида тўхталайлик. Дастлабки минутлардан бошлаб ҳар икки команда ташаббусни қўлга олиш ниятида ҳужумга зўр берди. Гоҳ у, гоҳ бу дарвозанинг олдида хавфли вазиятлар вужудга келиб турди. Меҳмонлар қанотлардан ҳужум уюштиришга аҳамият беришди. Ярим ҳимоячилар, хатто ҳимоячилар ҳам ҳужумда иштирок этишди. Мезбонлар эса фақат майдон марказидан ҳужум уюштиришга амал қилдилар. Бундай усул футболда ҳеч қачон ўзини оқламаган.

Дастлабки хавфли вазиятни динамочилар вужудга келтиришди. Гуринович кучли зарб билан тепган тўп дарвоза тўсинининг ёнидан ўтиб кетди.

Ана шу дақиқаларда мезбонлардан Якубик ва Кабаевлар жуда актив ҳаракат қилишди. Лекин бу ўйинчилар ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг йўқлиги, ҳужумларни ниҳоясига етказишга имкон бермади. Шуни ҳам айтиш керакки, якинда жароҳатини даволаган Якубикнинг ҳаракатларида аниқлик кўринмади.

«Пахтакор» кўп муддат барча ўйинчилари билан ҳужум қилди. Бироқ чиройли ишлатилган комбинациялар ниҳоясига етказилмади. Бунга кўпол хатоларга йўл қўйиш сабаб бўлди. Жумладан, ҳужумларнинг бирида қанотдан жарима майдонига етказиб берилган тўпга пахтакорчилардан ҳеч ким етиб боролмади. Вақоланки, ана шу дақиқада жарима майдонида пахтакорчилардан жуда кўп ўйинчи бор эди. Аммо уларнинг ҳаммаси бир чизиқда турганликлари учун шиддатли ҳужум уюштиришни уддалай олишмади.

Меҳмонлар тез-тез қарши ҳужум уюштириб туришди. Бу ҳужумлар давомида олдинги маррада ҳаракат қилаётган меҳмонларнинг ўйинчилари тез-тез ўрнларини алмаштириб, ҳимоячиларнинг диққатини чалғитишга ҳаракат қилишди. Аммо мезбонлар ўзларини йўқотиб қўйишмади.

Пахтакорчилар бир неча марта рақиб командининг дарвозаси олдида хавфли вазиятларни вужудга келтиришди. Аммо ҳал қилувчи дақиқаларда тўпни аниқ дарвозага йўллаш учун маҳорат етишмади. Амриев ҳисобни очиши мумкин эди. Лекин у тўпни тўғри дарвозабон томон тепди. Якубик кучли зарб билан тепган тўп дарвоза тўсинига тегиб қайтди...

Учрашувнинг 34-минутида жиддий ўзгариш юз берди. Меҳмонлар жарима майдонининг олдида тўпни бир-бирларига тез-тез ошириш натижа бермаганидан кейин, дарвозани узоқ масофадан мўлжалга ола бошладилар. Натижада тўп дарвозага киритилди. Уни Павлов тепган эди.

Стадионнинг ғарбий минбарида ўтирган мухлислар «Пахтакор», олға!» деб командани тезкорликка ундай бошлашди. Дарҳақиқат, мезбонлар ҳеч бўлмаганда ҳисобни тенглаштириш чораларини кўра бошладилар. Лекин уларнинг ҳужумлари ниҳоясига етмади. Ана шу дақиқаларда команда техник жиҳатдан яхши тайёргарликка эга эмаслиги кўринди қолди. Ўйин сust бораётган дақиқаларда хатоларга кам йўл қўйилди. Лекин ўйин суръатининг пасайишидан кўпроқ минсклик футболчилар манфаатдор эдилар. Улар шу боисдан ҳам биринчи бўлимни ниҳоятда ушоқлик билан ниҳоясига етказишди.

Иккинчи бўлимда ҳам жиддий ўзгариш бўлмади. «Пахтакор» жуда кўп ҳужум уюштирган бўлишига қарамасдан дарвозани нишонга ололмади. Церетели, Якубик, Кабаев, Амриевлар жуда кўп жон қуйдирган бўлишларига қарамасдан мақсадга эриша олишмади. Шуни ҳам айтиш керакки, ана шу дақиқаларда меҳмонларнинг ҳимоячилари жуда аниқ ва ҳушёрлик билан ҳаракат қилишди. Шундай қилиб, «Пахтакор» бу сафар ҳам учрашувни 0:1 ҳисобида бой берди. У ҳамон турнир жадвалининг охиридан жой олиб турибди.

Бу турда Киевда бўлган учрашув марказий ўйинлардан бири эди. «Динамо» ўз майдонида Марказий армия спорт клубини қабул қилди. Бу икки команда пешқадамлар сафида бораётган эди. Шу боисдан ҳам уларнинг ўртасидаги учрашув ниҳоятда қизиқарли бўлиши кутилганди. Шундай ҳам бўлди. Киевлик футболчилар жуда кўп ҳужум уюштиришди, армиячилар эса шиддатли қарши ҳужум уюштириш билан жавоб бериб турдилар. Бу сафар ҳимоячилар ўзларини кўрсатишди. Учрашув дуранг натижа — 0:0 ҳисобида тугади.

«Қайрат» ўз майдонида «Зенит»ни қабул қилди. Бу ерда 1:1 ҳисоби қайд этилди. Умуман олганда бу турда дарвозаларга кўп тўп киритилмади. Жуда кўп учрашувлар ўртача тезликда ўтди. Шу боисдан ҳам дарвозалар жуда кам нишонга олинди.

Турнирнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд қилинди. «Нефтчи» — «Арарат» — 0:0, «Шахтер» — «Кубань» — 2:0, «Днепр» — «Таврия» — 2:2, «Черноморец» — «Торпедо» — 1:1, АСК — «Динамо» (Тбилиси) — 1:1.

Мамлакат биринчилигининг саккизинчи тур учрашувлари ниҳоясига етди. Энди бир муддат танаффус бўлади. 9 Май — Ғалаба куни Москвадаги В. И. Ленин номли Марказий стадионда СССР Кубогининг финал учрашуви бўлади. Бу ерда Москванинг «Спартак» ва Ростов-Дон шаҳрининг армия спорт клуби командалари беллашади.

СУРАТЛАРДА: «Пахтакор» — «Динамо» учрашувидан лавҳалар.

Р. Загратдинов фотоси.

«ПАХТАКОР» ҲАҚИДА 17 ФИКР

О. ХОВАНСКИЙ,

Белоруссия республика футбол федерациясининг аъзоси, спорт мастери.

— Тўғридан тўғри «Пахтакор»нинг мағлубиятига маҳоратсизлик ва омадсизлик сабаб бўлди дейиш мумкин. Аввало омадсизлик ҳақида тўхталайлик. Якубик яхши ўйин кўрсатишга ҳаракат қилди. У икки марта кучли зарб билан тепган тўп дарвоза тўсинига тегиб қайтди. Маҳоратсизликни эса команда комбинацияли ўйин кўрсата олмаётганлиги, футболчиларнинг бир-бирини яхши тушунмасликлари билан белгилаш мумкин. Командада бутун ҳаракатга раҳбарлик қилувчи диспетчер йўқ эди. Агар бунга йўл қўйилган техник хатоларни қўшадиган бўлсак пахтакорчилар рақиб команданинг мудофаасини ёриб ўтолмаганликлари сабаби равшан бўлади. Шу боисдан ҳам улар дарвозани нишонга ололмадилар.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

7 МАЙ — ПАЙШАНБА

РАДИО КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 Бокс бўйича Европа чемпионати. 1/4 финал. Финляндиядан олиб кўрсатилади. 18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Социалистик экономиканн бошқариш». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Радио кунига. «Фан оламида». 20.00 П. И. Чайковский романсларини СССР халқ артисти И. Архипова ижро этади. 20.30 «Қирқ бешинчи йилнинг қиши ва баҳори». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм. 3-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Театр учрашувлари». 23.45 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Раддия». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 20.45 В. Моцарт. Скрипка ва фортепьяно ижроси учун соната. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Сеҳрли экран». 21.30 «Время». 22.05 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Трактор» (Челябинск) — МАСК, МАСК Спорт саройидан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Пучуқлар». Болалар учун фильм-концерт. 18.40 «Усмирлар ижоди». Кўрсатув. Радио кунига бағишланади. 19.00 Бугун радио куни. «Қоғозсиз ва масофасиз газета» 19.30 «Ахборот» (рус. тил). 20.00 Радио кунига бағишланган концерт. А. Навоий номли Давлат академик Катта театридан олиб кўрсатилади. 21.30 Москва. «Время» 22.05 М. Богучаров. «Беозор қариялар». Телеспектакль. 2-қисм. 23.20 «Вечерний Ташкент» ва «Тошкент оқшоми» газеталарининг совғини учун самбо курашн бўйича Бутуниттифоқ турнири (ёзма олинган). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Болалар учун фильм. «Рикитики-тави». 19.00 Ўқитувчилар учун консультация. 19.30 «Ҳаёт каби тирик». 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Қўшиқ сени излаб топади». Фильм-концерт. 20.45 «Фақат бир кун». Телефильм. (рус.). 21.05 Абитуриентлар учун. Физика. 22.05 Ғалаба кунига. «Улуғ Ватан уруши». Ҳужжатли фильм. 1-серия.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ВА «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГАЗЕТА РЕДАКЦИЯЛАРИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИНИНГ ЕНҒИНДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОШҚАРМАСИ, ШАҲАР ЕНҒИН МУҲОФАЗАСИ КЎНГИЛЛИ ЖАМИЯТИ, ШАҲАР КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ ВА КИНОПРОКАТ КОНТОРАСИ.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЕНҒИНГА ҚАРШИ ҚИСҚА МЕТРАЖЛИ ФИЛЬМЛАР ПРОКАТИНИ ЭНГ ЯХШИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА

КОНКУРС ЎТКАЗАДИЛАР

Конкурснинг мақсади — аҳолини, турли категориядаги ишчи ва хизматчиларни, ўқувчиларни, студентларни ёнғин хавфсизлиги қоидаларига ўргатиш.

Конкурснинг вазифаси — аҳоли ўртасида ёнғинни ўчириш ишларини оммалаштириш, ёнғин хавфсизлигини таъминлашда кўнгилли ўт ўчирувчиларнинг ролини ошириш.

КОНКУРС 1981 ЙИЛНИНГ 21 ИЮНИГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

Конкурсга кинотеатрлар, клублар, маданият саройлари ва уйлари, корхоналар, муассасалар, ўқув юртлари киномеханиклари, кинонамойишчилари, стационар ва кўчма кино қурилмаларининг техника раҳбарлари, ёнғин-техникаси кўргазмаси, агитмашина ва шаҳар кино ҳаваскорлари таклиф этилади.

КОНКУРС ШАРТЛАРИ:

Ёнғинга қарши фильмларни кўрсатишни ташкил қилишда актив қатнашган киномеханиклар, техника раҳбарлари, кино намойишчилар, кино кўрсатиладиган жойларнинг раҳбарлари, «Билим» жамиятининг кино-ҳаваскорлари конкурсда қатнаша оладилар.

Конкурс давомида ёнғинга қарши намойиш этилган фильмлар киносеансларининг миқдори, уларда ана шу фильмларнинг номлари, куни ва кўрсатилган жойи ёзилиши лозим;

киносеанслар бошланиши олдидан ёнғин муҳофазаси мавзуси бўйича ўтказилган суҳбатларнинг сони;

Фильмлар кўрсатилганда қамраб олинган аҳолининг сони (ишчилар, хизматчилар, ўқувчилар, студентлар);

кинони кўрсатиш воситаси билан аҳолини ёнғин хавфсизлиги қоидаларига ўргатишни активлаштиришга қаратилган бошқа тадбирлар;

ёнғинга қарши фильмлар прокати конкурси ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар белгиланган: биринчи — 100 сўм, иккинчи — 75 сўм, учинчи — 50 сўм, бешта рағбатлантириш — ҳар бири — 30 сўмдан.

КОНКУРС ТАШКИЛОТЧИЛАРИ ВАКИЛЛАРИДАН ИБОРАТ БЎЛГАН ЖЮРИ КОНКУРС НАТИЖАЛАРИНИ ЯКУНЛАЙДИ ВА МУКОФОТЛАРНИ БЕРАДИ.

Барча масалалар бўйича қуйидаги адресга мурожаат этилсин: 700017, Тошкент шаҳри, Лугин кўчаси, 31-уй. Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасининг ёнғиндан муҳофаза қилиш бошқармаси. Телефон 33-28-11.

178-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1981—82 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

метрополитен қурилиши учун юқори малакали мутахассислар тайёрлайдиган республикадаги ягона билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотли 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича мутахассислар тайёрлайди: ер усти ишлари проходкачиси, қўлда пайвандловчи-плитка ётқизувчи-мозаикачи, қурилиш бўёқчиси, проходка бўйича электрослесарь, слесарь-сантехник, газ-пайвандчи, дурадгор, тош кесувчи-гранитчи. **Ўқиш муддати — 1 йил ва 3 йил;** ер усти ишлари проходкачиси, автомашиналарни ремонт қилувчи слесарь. **Ўқиш муддати 1 йил.**

Ўқувчилар кунига 3 маҳал иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар ҳамда ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

ЎҚИШ ДАВРИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртида 3 йил ўқиганлар диплом, 1 йил ўқиганлар эса билим юртини тугатганлиги ҳақида аттестат оладилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар СССР транспорт қурилиши министрлигининг олий ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

Билим юртини тугатганлар «ТАШМЕТРОСТРОЙ» трести ходимлари фойдаланадиган имтиёзларни оладилар. Жумладан, темир йўлда бепул юрадилар. Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртида спорт секциялари, вокаль-чолғу ансамбли, ўзбек халқ ансамбли, дискотека ишлайди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

Аризаларни қабул қилиш умумий асосларда (имтиҳонсиз).

Бизнинг адресимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, Д-20 квартали (метронинг «Чилонзор» станцияси), 50, 78, 29-автобуслар, 6, 11, 19-троллейбуслар, 21-маршрутли таксининг «Ётоқхона» бекати).

С. И. КАДИШЕВ НОМИДАГИ 166-АВИАЦИЯ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1981 — 82 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Учиш аппаратларининг йиғувчи-слесари, асбобсоз слесарь, механика-йиғув ишлари слесари, электрмонтажчи-слесарь, токарь, фрезеровкачи, дурадгор ҳамда слесарь-сантехник-газ пайвандчи.

Ўқиш муддати — 1 — 3 йил.

ЎҚИШГА ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДА ЯШОВЧИ 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТИ БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

10 синф ҳажмда маълумотлилар учун ўқиш муддати — 1 йил.

Билим юртини тамомлаганларга диплом билан бирга касбларн бўйича тегишли малака берилади. Ўқувчилар ойига 65 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланадилар;

8 синф ҳажмда маълумотлилар учун ўқиш муддати — 3 йил. Улар ўқишни тамомлаганларидан сўнг ўрта маълумот олганликлари тўғрисида дипломга эга бўладилар ҳамда касблари бўйича тегишли малака берилади.

Ўқувчилар ўқиш даврида кунига 3 маҳал текин овқат, кийим-бош билан таъминланадилар ҳамда ишлаб чиқариш практикаси вақтида топган иш ҳақларининг бир қисмини оладилар.

Ўқиш муддати умумий стажга қўшилади.

МАШҒУЛОТЛАР — ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА.

Шаҳар чеккасидан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТАМОМЛАГАНЛАР В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганлар олий ҳамда ўрта билим юртларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар.

Ўқишни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда давом эттирувчилар учун бирлашма қошида политехника институтининг кечки бўлими, самолётсозлик факультети ва авиация техникуми бор.

Билим юртида спорт базаси мавжуд, волейбол, футбол, сузиш, бокс, эркин кураш, дзюдо секциялари; авиамоделизм-фотокиностудия, бадиий сўз тўғараклари; вокаль-чолғу асбоблари ансамбли, миллий чолғу асбоблар тўғараклари ишлаб турибди.

Ўқувчиларнинг дам олишлари учун Чимён яқинида спорт-соғломлаштириш лагери бор.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома ёки аттестат, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, медицина справкаси (286-форма), турар жойидан ва ота-онасининг ишжойидан справка, 8 та фотосурат (3х4 ва4х5 см. ҳажмда).

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (20, 21, 30, 8, 48, 80-автобуслар, 29-трамвайларнинг «166-ГСПТУ» бекати). Телефон 96-58-20.

КОНФЕТЛАР — БУ МАЗАЛИ ВА ТЎЙИМЛИ!

«ЎРТОҚ» КОНДИТЕР ФАБРИКАСИ 80 ГА ЯҚИН НОМДА ШИРИН МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ.

ШУЛАРДАН 33 ТАСИ ДАВЛАТ СИФАТ БЕЛГИСИГА ЭГА.

«ЎЗБЕКИСТОН», «ОҚ ОЛТИН», «КРАСНАЯ ШАПОЧКА», «ДРУЖБА» ВА БОШҚА КОНФЕТЛАРГА ТАЛАБ КАТТА.

«ДРУЖЕСКАЯ», «ОДУВАНЧИК», «ЗАЯЧИК» карамелларн дидга ёқимли ва жуда ҳам калорияли. Унинг таркибига ёнғоқ, қуруқ қаймоқ, какао маҳсулотлари киради, шоколадли конфетларнинг қутичалари рангли, харидорларни қувонтиради.

«ЎРТОҚ» КОНДИТЕР ФАБРИКАСИ.

Ф. Хўжаев номли 1-пойафзал фабрикаси қошида очилган

143-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: **пойафзал бошлиғини бичувчи, заготовка тикувчи, пойафзал тикувчи, тайёр маҳсулотни қабул қилувчи контролёрлар, чарм галантерея маҳсулотларини тикувчилар, слесарь-ремонтчи, электромонтёр, конструктор-модельер.**

БИЛИМ ЮРТИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН 8 — 10 СИНФНИ ТАМОМЛАГАН ЎҚУВЧИЛАРГА ҲАММА ҲУНАРЛАР БЎЙИЧА ЎҚИШ МУДДАТИ 6 ОЙ ВА ЎЛАР 70 СЎМ СТИПЕНДИЯ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР. ПРАКТИКАДА ИШЛАГАН ИШ ҲАҚИНИНГ 50 ПРОЦЕНТИНИ ОЛАДИЛАР.

Билим юртини битирганлар Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасида ва чарм галантерея фабрикасида ишлайдилар.

Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун пойафзалчилар маданият саройи ва ундаги туристик ва спорт, ҳаваскорлик тўгараклари мунтазам ишлаб турибди.

Билим юрти қошида ишчи ёшлар мактаби бор.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртини яхши битирган ўқувчиларга техникум ва институтларга йўлланма берилади.

Ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан справка, 3 х 4 см. ҳажмдаги 6 та фотосурат.

ҲУЖЖАТЛАР ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (122, 123-автобус, 2, 3, 6, 14-троллейбусларнинг «Пойафзал фабрикаси»бекати). Телефонлар: 53-99-91, 53-99-04.

ДИҚҚАТ!

«ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИНИНГ ЯНГИ ФИЛИАЛИ

Тошкент шаҳар, Первомайск кўчасидаги маиший хизмат кўрсатиш комплексида

«ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИНИНГ ЯНГИ 8-ФИЛИАЛИ ОЧИЛДИ

8-ФИЛИАЛ ДАМ ОЛИШ КУНИСИЗ СОАТ 8.00 ДАН 20.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Буюртмаларни бажариб бериш муддати — 3 кун.

ЗУДЛИК БИЛАН ТОЗАЛАБ БЕРИШ УЧУН 20 ПРОЦЕНТ ҚУШИМЧА ҲАҚ ОЛИНАДИ.

ЯНГИ ФИЛИАЛ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/V да **Ун учинчи раис**, 8/V да **Кузнинг биринчи куни.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 7/V да **Ишонмасанг ўламан**, 8/V да **Олифта.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 7, 8/V да **Байрам катта цирк томошалари** (19.30).

КИНО

7, 8 МАЙДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ГЕНЕРАЛ ВАТУТИН» — **Дружба.**

«КПСС XXVI СЪЕЗДИДА» (1-сон) — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (кичик зал).

«АБВЕРДА ИККИ ЙИЛ» — **Москва.**

«УМУМХАЛҚ ЖАСОРАТИ» — **ВЛКСМнинг 30 йиллиги номли.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БУЮК ИШЛАР БУСАҒАСИДА» — **Чайка** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 77-06-20), **Нуриус** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 46-70-69), **Москва** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.30, телефон 44-39-51).

«ПЕТРНИНГ ЕШЛИГИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12, 15, 18, 20.45, телефон 48-47-25), **Санъат саройи** (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

«ОМАД УЧУН КИМ ЖАВОБГАР?» — **Дружба** (11, 13, 14.40, 17, 19, 21.00), **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда).

«ЧЕТ ЭЛ ЭМИССАРИ» — **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда).

Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг республика қурилиш-монтаж трестига қарашли хўжалик ҳисобидаги ихтисослаштирилган қурилиш-монтаж участкасининг П—1 0845795 ва П—1 0845796 номерли йўқолган

МЕҲНАТ ДАФТАРЧАЛАРИНИНГ ТОЗА БЛАНКАСИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент область, Оржоникидзе районидаги В. И. Ленин номли Ўрта мактаб томонидан **Нормирзаев Тоҳир** номига берилган 235240 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Узбекистон телевидениеси ва радио эшиттириш Давлат комитети коллективи Марказий Бошқарма ишлаб чиқариш бўлимининг ходими А. Р. Қўчқоровага отаси

Рафиқ ҚЎЧҚОРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

4 ТОШКЕНТ бет. ОҚШОМИ

7 МАЙ, 1981 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83, совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81, ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

Р—07120. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64581. Р—2116.